Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 87 (10.336).

1992 йил 2 июнь сешанба

Баҳоси 2 сўм.

Вилоят ижтимоий-сиёсий рўзномаси

ЎЗБЕКИСТОН—РОССИЯ

ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ ҲАМКОРЛИК

30 май куни Москвада, Кремлнинг Владимир залида икки мустақил давлат — Ўзбекистон билан Россия федерацияси ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари ҳақидаги шартномани имзолаш маросими бўлди.

Сафар олдидан Ўзбекистон Президенти И. Каримов журналистлар билан суҳбатлашиб, жумҳурият истиқлолини янада мустаҳкамлаш, таназзулдан чиқиб олишимиз учун бизга осойишталик зарур, деди. АҚШ, Туркия сингари давлатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатилди. Дунёнинг 109 мамлакати мустақиллигимизни тан олди. Мана, бугун Россия Федерацияси билан тенг ҳуқуқли давлат сифатида шартнома имзоламоқчимиз. Бозор муносабатларига ўтишда халқимиз ўз меҳнати маҳсулидан етарли баҳрманд бўлиши учун шарт-шароит яратиш вазифаси турибди. Бунинг устига жанубий чегараларимиз хавфсизлиги ҳақида ҳам ўйлашимиз, ички сиёсатни барқарорлаштириш учун ташқи алоқаларимизни мустаҳкамлашимиз лозим. Биз Россия билан ўзаро ҳамкорлик ва дўстлик алоқаларини ривожлантириш тарафдоримиз.

— Бугун биз тенг ҳуқуқли икки давлат — мустақил Россия билан мустақил Ўзбекистон ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва дўстлик муносабатларини йўлга қўйишни кўзда тутувчи ҳужжатни имзолаш учун бу ерга тўпландик, — деди Россия Федерацияси Президенти Б. Ельцин ҳужжатни имзолаш чоғида сўзлаган нутқида. — Бизнинг вазифамиз ўзаро манфаатдорлик асосида халқларимизнинг келажагини белгилаб олишдан иборатдир. Шуни айтишим керакки, Ўзбекистон ҳамдўстликдаги бошқа давлатлардан ўзига хос йўл тутаётганлиги билан ажралиб туради. МДҲ давлат ва ҳукумат раҳбарларининг Тошкентдаги учрашуви ҳамдўстлигимиз истиқболини ойдинлаштириб берди. Мен Тошкентда, Самарқандда бўлганимда Ўзбекистон бетимсол тарих, бетакрор маданиятга эга йирик давлат эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

— Давлатлараро муносабатлар асослари ҳақидаги шартноманинг имзоланиши тарихий нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон учун ҳам, Россия учун ҳам катта аҳамиятга молик, — деди Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов. — Ҳужжатда иқтисодий ва маданий ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилган. Бу борада Россияда ҳам, Ўзбекистонда ҳам имкониятлар мавжуд. Бизнинг давлатлараро ҳамкорлигимиз, шубҳасиз, иккала халқ манфаатларига мос бўлиб тушади, яқин келажакда ўз самараларини беради.

Шартнома имзолангандан кейин икки давлат Президентлари бу ерда ҳозир бўлган журналистлар билан суҳбатлашдилар.

Шу куни кечқурун Ислом Каримов Тошкентга қайтиб келди. Сафар чоғида Президентга Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. Йўлдошев, Республика бош вазири А. Муталов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳ бўлдилар.

Ў. МИРЗАЕР,
ЎзА мухбири.

ИШБИЛАРМОНЛАР УЧРАШУВИ

Туркия республикаси билан Америка Қўшма Штатларидан келган ишбилармонларнинг катта гуруҳи Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турибди. Юзга яқин ишбилармонлар Ўзбекистон бозоридаги талабларни ўрганишмоқда.

1 июнь куни улар Тошкентда Ўзбекистон вазирликлари ва идораларининг намояндалари билан учрашдилар. Учрашувни республика Бош вазирининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов очди.

Ўзбекистоннинг мустақил деб эълон қилинганлиги, БМТга, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашига, бошқа халқаро ташкилотларга тўла ҳуқуқли аъзо сифатида кирганлиги унинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига қўшилиши учун кенг имкониятлар яратиши таъкидлаб ўтилди. Республикада бой хом ашё, табиат ва меҳнат ресурслари мавжудки, бу сармояни жалб этиш ва ундан самарали фойдаланиш учун, катта фирмаларнинг фаолияти учун жуда истиқболлидир. Олий кенгаш сармоя эгалари учун яхши шароит яратиб берадиган бир қанча қонун ҳужжатларни қабул қилди. Қўшма корхоналар барпо этиш, имтиёзли солиқ солиш, ишлаб топилган пулни олиб чиқиб кетиш имкониятини бериш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари шулар жумласидандир.

Учрашувда сўзга чиққан Туркия Республикасининг Тошкентдаги фавқулодда ва муҳтор элчиси Вулқон Чотур Ўзбекистон халқи, ҳукумати Туркияга жуда дўстона муносабатда эканлигини ва икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда фаол кўмаклашишга тайёр эканлигини таъкидлади. У ҳозирги учрашув давомида муайян аҳдномаларга эришилади деб ишонч билдирди.

АҚШ дипломатияси маҳкамасининг Ўзбекистондаги вакили аҳолининг хайриҳоҳлик билан муносабатда бўлаётганлиги, ҳукуматнинг масалаларни ҳал этишга ишчанлик билан ёндашаётганлиги амалий алоқалар учун кенг истиқболлар очади, деб таъкидлади.

Кўпгина ишбилармонларни экология муаммолари қизиқтирди. Туркия ва АҚШ компаниялари Орол денгизини ҳимоя қилиш ва асрашдан манфаатдордирлар. Улар шу муаммони ҳал этишга доир ўз таклифларини тақдим этишга тайёрдирлар. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналар барпо этиш, шифохоналар, сайёҳлар мажмуалари қуриш, фойдали қазилма бойликларини қазиб чиқариш имкониятлари ишбилармонлар эътиборини ўзига жалб қилмоқда.

Туркия билан АҚШ савдо-саноат доираларининг вакиллари шўъбаларда Ўзбекистон, вазирликлари, идоралари, концернлари, мутахассислари билан учрашиб, қўшма иқтисодий фаолиятнинг аниқ масалаларини муҳокама қилдилар.

(ЎзА).

• Вилоят ҳокимлигида

КОНЦЕРНГА АЙЛАНТИРИЛДИ

ХАЛҚ хўжалигидаги кескин ўзгаришлар, иқтисодий алоқаларнинг бузилиши, нархларнинг ўзгариб туриши савдодаги иш шароитларини ҳам ўзгартириб юборди. Бу эса ишни тубдан янгилашни талаб қилмоқда. Кўрилаётган чора-тадбирлар истеъмол бозорини барқарорлаштира олмаяпти.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти муносабатларида давлат буюртмасидан эркин хўжалик алоқаларига ўтиб бориш — бу албатта савдо бошқармасининг иш фаолиятини ҳам шаклан, ҳам мазмунан ўзгартириши табиий.

Ўзбекистон жумҳурияти Президентининг фармойиши, Вазирлар Маҳкамасининг Қарори ва Ўзбекистон жумҳурияти Савдо вазирлиги таклифига мувофиқ эски тизимдаги вилоят савдо бошқармаларини ҳудудий савдо ишлаб чиқариш концернларига айлантириш кераклиги айтилганди.

Куни кеча Тошкент вилоят ҳокимлигида вилоят савдо бошқармасини ҳудудий савдо ишлаб чиқариш концернига айлантириш тўғрисидаги таъсис йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда концернинг Низоми тасдиқланди ва Кенгаш, бошқарув аъзолари ҳамда унинг раиси сайланди.

Концернинг раиси этиб Тошкент вилоят Савдо бошқармасининг бошлиғи бўлиб ишлаган Ғайрат Отабоевич Турсунов сайланди. Бу концерн «Вилоят савдо» ҳудудий савдо ишлаб чиқариш концерни деб юритиладиган бўлди.

Ҳудудий савдо ишлаб чиқариш концернини ташкил этишдан мақсад — бу келажакда савдо билан ишлаб чиқаришнинг йўналишлари бир хил бўлади, яъни халқни истеъмол моллари билан таъминлашни талаб ва таклифлар асосида бажарадиган тенг ҳуқуқли, ҳамкорликда иш юритиладиган кучли бирлашмага айланади.

Йиғилишда вилоят ҳокимининг биринчи муовини Ш. Н. Маҳмудова, Ўзбекистон Савдо вазирининг ўринбосари А. А. Ҳидоятовлар иштирок этишди.

(Ўз мухбиримиздан).

МАҲСУЛОТ ТЎЛА ЯНГИЛАНДИ

БУ КОРХОНА жамоаси қўлидан чиқаётган маҳсулот ўғил-қизларимизга аталган. Жумҳуриятимиз, айни вақтда Ўрта Осиёдаги барча республикаларнинг жажжи фуқаролари уни кийганда қувонадилар. Чунки бу оёқ кийимлари бежиримлиги, нафислиги, бичими келишганлиги билан ажралиб туради.

Янгийўл пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи-хизматчилари ёшларга мос оёқ кийимларини тайёрлаётганлиги учун ҳам катта наф кўрмоқда. Маҳсулотлари дўконлар пештахталарида ётиб қолмаяпти, харидорларга маъқул бўляпти.

Корхонада маҳсулотни янгилаш, унинг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ҳамон жамоа фаолиятининг асосий йўналиши бўлиб келмоқда. Кейинги йилларда маҳсулотнинг тўла янгиланган ҳам шундан бўлди. Кўп жиҳатдан худди шу омил туфайли ишлаб чиқариш топшириқлари ҳозирги мураккаб иқтисодий шароитларда ҳам муваффақиятли уддаланяпти. Шу йилнинг ўтган тўрт ойида савдо шахобчаларига режадагидан ташқари икки миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилганлиги ҳам бундан далолат беради.

Жамоа эришаётган бу меҳнат ютуқларида деярли барча бўлинмалар ва хизматларнинг озми-кўпми улуши бор. Улар бир ёқадан бош чиқариб, мавжуд имкониятларни сафарбар этиб ишлашяпти. Конструкторлардан Л. Ким, З. Бараева, бичиқчи З. Ибрагимова, оператор Х. Эшонқулова, технолог С. Шушкова, уста М. Эргашева ва бошқа ўнлаб, юзлаб пойафзалчилар сидқидилдан меҳнат қилишяпти, зиммаларидаги вазифани зиёдаси билан уддаламоқдалар.

М. ҲАМИДОВ.

ҲАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИГА

БАНК ХОДИМЛАРИ ҲИММАТИ

Тошкент вилояти Давлат банки бошқармаси ходимлари вилоятимизнинг бир неча районларида рўй берган табиий офат туфайли зарар кўрган, уй-жойлари шикастланган одамларга ҳоли бақудрат ёрдам беришдан четда қолмадилар.

Улар ўзаро маслаҳатлашиб вилоятда табиий офат оқибатларини тугатишга ҳисса қўшишга қарор қилишди. Куни кеча ҳайрия жамғармасига бир кунлик иш ҳақларини — 6524 сўмни очилган жорий ҳисобга ўтказдилар.

Мазкур ҳайрия жамғармасига пул ўтказиш давом этмоқда.

ИХЧАМ ҚУРИЛМА

Янгийўл колбаса тажриба заводида ихчам дудлаш қурилмаси ишга туширилди. Бу қурилмани республика қишлоқ хўжалиги вазирлигига қарашли «Конструктор» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг мутахассислари тайёрладилар. Янги қурилма мавжудларидан кам жой олиши ва юқори унумдорлиги билан фарқ қилади. Зарур ҳарорат ва тутун бўлишини автомат таъминлайди.

(ЎзА).

ЯГАНАЛАШ ТУГАЛЛАНДИ

ОҚҚЎРҒОН. Охунбобоев номли жамоа хўжалиги деҳқонлари бу йилги қийин шароитда ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштириш режаларини кўрмоқдалар. Ишнинг пудрат асосида ташкил этилиши, айниқса, қўл келди. Ҳар бир пахтакор масъулиятни тўла ҳис қилиб меҳнат қилмоқда.

Бугунги шароитда ягана-ни барвақт ўтказиш муҳимдир. Дониёр Жуманов, Абдушукур Бўтабоев, Бакир Алимов, Мусулмон Қурбонов ва Беркин Кулматовлар бу тадбирни ўтказишда ўрнак бўлмоқдалар. Бир йўла гўза пайкаллари бегона ўтдан ҳам тозалаб кетилянти.

Қ. РАЖАБОВ.

ҲАЁТ ИЗГА ТУШМОҚДА

Табиий офат оқибатлари тугатилмоқда

БЕКОБОД НОҲИЯСИ

КАТТА йўл ёқасида жойлашган Ойбек номли давлат хўжалигига қарашли табиий офат натижасида қулаган ёки яроқсиз ҳолга келган уйларни кўздан кечирар эканмиз, негадир кишининг дили ғаш тортади. Бу жойларнинг кўринишиёқ катта сув тошқини рўй берганлигидан далолат бериб турибди. Айрим уйларни, ҳовлиларни қалин лойқа босиб қолган.

Шу атрофда навбатчилик қилиб юрган «Чаноқ» қишлоғининг участка инспектори, милиция хизмати лейтенанти Абдулла Ҳолмуродовнинг уйи ҳам табиий офат рўй бермасдан илгари шу ерда жойлашган экан. Айни пайтда эса қулаб тушган бу бино бутунлай яроқсиз ҳолга келибди.

— Ҳозир зарар кўрган уйлардан кишилар бутунлай кўчириб олиб кетилган, — дейди Абдулла, — хонадонлар эшиклари қулф. Биз милиция ходимлари кўнгиллилардан дружиналар тузиб, шу ерда навбатма-навбат пойлоқчилик қиляпмиз. Иккита-учта хонадоннинг уйи қулай деб турибди. Мабодо, бирон-бир киши билмасдан кириб қолса, фалокат рўй бермасин, мақсадимиз шу. Табиий офатдан жабр кўрган хонадонларга 12 сотихдан ер беришди. Айни пайтда у ерда янги уйлар қурилиши бошлаб юборилди.

Қурилиш кетаётган жойга етиб келганимизда у ер кишилар билан гавжум эди. Қурувчилар ишни бошлаб юборишган. Айни чоғда янги уйларнинг пойдеворлари тикланмоқда. Бу ерга олиб келинган вагонларда эса кишилар вақтинча яшаб туришибди. Биз онласи шундай вагонда яшаётган Сафар Мусулмоновга яқинлашдик.

— Касбим ўқитувчилик, — дейди у, — оилада 6 кишимиз. Қурувчиларимиз бизга тўрт хоналик янги уй қуришяпти. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, табиий офатга ҳеч нима бас келолмайди. Шундай бўлса ҳам оғир пайтларда бизни қўллаб-қувватлаган район ҳамда вилоятимиз раҳбарларига минг раҳмат. Чунки улар бизнинг ҳеч ишмани аяшмаяпти. Ахир ҳозирги иқтисодий оғир шароитда битта уй қуришнинг ўзи бўладими?

Бу ерда қурилиш ишларини райондаги 6-, 20-, 10-ҳамда Кўкоролдаги 11-механизациялашган кўчма колонна қурувчилари олиб боришяпти. Янги маҳаллага олиб келадиган йўлга эса тош тўқилмоқда. Уни аҳоли раҳбарлар билан маслаҳатлашиб «Дўстлик» деб аташга келишишибди.

Шу кунларда «Чаноқ» қишлоқ шўросининг раиси Субҳон Файзиевнинг ҳам вақти ниҳоятда зиқ. Ахир ҳар бир кишини озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлаш керак. Лекин у бўш келадиганлардан эмас.

— Қурилиш ишларининг кетиши кишиларнинг кайфиятини анча кўтарди, — дейди қишлоқ оқсоқоли. — Мана, янги маҳаллага электр симёғочларини монтаж қилиб бўлдик. Ичимлик суви келтириш учун қувурларга зовурлар қазиляпти. Газни эса баллонларда келтиряпмиз. Озиқ-овқат таъминоти масаласига келсак ун, гуруч, ёғ билан кишилар етарлича таъминланишган.

— Дўстларимизга минг марта раҳмат, — дея суҳбатимизга қўшилди Бекобод район ҳокимининг муовини Тошмамат Ширинов, — Бошимизга табиий офат тушганини эшитибоқ Қуйи Чирчиқ, Янгийўл, Бўка ва бошқа районлардан озиқ-овқат, кийим-бош, моддий ёрдам кела бошлади. Маълумки ўша машъум кечада айрим оилалар уйларидан ҳеч нима ололмай қолган эдилар. Ҳатто бундай ёрдам қўшни Тожикистон Республикасининг «Масчо» районидан ҳам келди. Вилоятимизнинг турли ташкилотларидан ҳам бундай ёрдамнинг кети узилмади. Бунинг учун қўлимиз кўксимизда.

— Тошмамат ака, янги маҳаллада дўкон қуриш, маиший хизмат уюштириш масалалари қандай ташкил қилиняпти?

— Аввалом бор, биз янги уй-жой қуриш учун мана кўриб турганингиздек, энг ҳосилдор, текис ердан майдон ажратдик. Мана шу кўчанинг бошида янги мактаб биноси қуриляпти. Эндиликда бу ерга мўъжазгина маиший хизмат уйи, боғча, дўкон қуриш мақсадимиз ҳам йўқ эмас. Насиб этса бу ҳам бўлади. Саадони эса, шу ернинг ўзида қиляпмиз. Ичимлик суви ҳам ҳозирча машиналарда олиб келиняпти.

Биз янги маҳаллани айланаётиб яна бир ҳолдан воқиф бўлдик. Табиий офат рўй берганидан буён бу ерда биронта ҳам ўғирлик ёки жиноий иш содир бўлмаган. Бу ҳақда Бекобод район ички ишлар бўлимининг вакили Равшан Абдуллаев шундай дейди:

— Бизнинг Ички ишлар бўлими ходимлари кечасикундузи бу ерда навбатчилик қилмоқдалар. Одатда бундай табиий офат рўй берганда қулай пайтдан фойдаланиб қолувчи «шахс»лар пайдо бўлиб қолади. Ўзларининг учун шароит пайдо бўлганини сезишади-да. Йўқ, одамлар фалокат юз берган кунда ҳам саросимага тушмадилар. Ҳамма бир мақсад, кишилар ҳаётини сақлаб қолиш учун курашишди. Бахтимизга шу кунгача ҳеч қандай кўнгилхиралик бўлмади. Биз биламизки, бундай пайтда жиноят кишиларнинг қайфиятига жуда ёмон таъсир қилади.

«Чаноқ» қишлоғида истиқомат қилувчилар бундай таҳликали кунлардан сўнг қувончли бир воқеанинг шоҳиди бўлишди. Бугун шу маҳаллада қурилиб битказилган «Баҳор» деб номланган чойхонанинг очилиш маросими экан. Тушдан сўнг карнай-сурнай садолари маҳалладагиларни ўша ерга чорлади. Янги бинонинг очилиш маросимида Бекобод район Ҳокимининг муовини Абдукарим Қодиров нутқ сўзлади.

— Чойхонанинг очилиши кўпчиликни хурсанд қилди, — дейди Ойбек номли давлат хўжалиги директори Нормурод Эсонов. — Кишилар бошига табиий офат тушгач, биз бу бинонинг қурилишини тезлатдик. Ахир унинг топширилиши халқимиз учун руҳан мадад бўлади-да. Лекин шуни ҳам таъкидлаш керакки, бу бизнинг охирги қурилишимиз эмас. Биз яна спорт майдони ва шунга ўхшаш қурилишларни ҳам давом эттирамиз.

«Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ», деб бежиз айтмаган халқимиз. Бу ерда бўлиб ўтган ўйин-кулгу кишилардаги чарчоқни бироз ёзгандек бўлди, назаримда. Қариялар ҳам йиғилганларни дуо қилиб, бундай қувончли кунлар доимо бўлиб туришига тилак билдирдилар. Лекин бундай қувончли кунлар узоқмас. Буларнинг дастлабкиси янги маҳалладаги янги уйларга кўчиб кириладиган кун бўлса ажаб эмас.

Н. РАФИҚОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

СУВДЕК СЕРОБ БЎЛИНГ

Қибрайдаги салқин ичимликлар комбинати жамоасига кўпчилик ана шундай демоқда

ҚИБРАЙ салқин ичимликлар комбинати саноат шу тармоғининг етакчи корхонаси ҳисобланади. Унинг жамоаси ҳозирги иқтисодий таназзул, илгариги аниқ ташкил этилган иқтисодий алоқалар деярли тўла барбод бўлган шароитда ҳам барқарор ишламоқда. Унга корхонада меҳнат йўлини цех бошлиқлигидан бошлаган иқтисодчи Ғуломҳайдар Аҳмедович ОДИЛОВ замон талаблари асосида раҳбарлик қилмоқда. Директор билан суҳбатимиз комбинатнинг тараққиёти, жамоанинг бугунги ишлари, истиқбол режалари ва муаммолари ҳамда уларни бартараф этиш йўллари ҳақида борди.

— Комбинат ҳақида гапирилганда ёки ёзилганда кўпинча ноёб, ягона деган сифатловчи сўзлар қўшилади. Корхона ўзининг қандай хусусиятлари билан шундай номга лойиқ?

— Менимча, бундай таъриф беришнинг сабаблари йўқ эмас, албатта. Тўла бўлмаса ҳам ўзига хос муайян жиҳатлари бор. Нафақат Ўзбекистон жумҳурияти, айни вақтда, корхонамиз Ўрта Осиёда ҳам ягона ҳисобланади. Жамоамиз ишлаб чиқараётган салқин ичимликларнинг ҳаммаси бўлмаса ҳам айримлари бошқа корхоналарда ҳам тайёрланиб, халқимиз дастурхонига тортиқ қилинмоқда. Лекин, уларнинг ҳамма турларини ишлаб чиқарувчи бирорта корхона бу регионда йўқ.

Ишлаб чиқариш қувватининг каттолигини ҳам қайд қилиш лозим. Ҳақиқатдан озиқ-овқат саноати шу тармоғининг комбинатимизга тенглаша оладиган бирорта ҳам бошқа корхонаси йўқ.

Ҳозирги вақтда ҳар соатда йигирма тўрт мингта шиша бутилкага салқин ичимликлар қўйдиган иккита линия ишлаб турипти. Хориждан сотиб олинган бундай асбоб-ускуналарнинг ниҳоятда жадал ишлашини тўла тасаввур қилишингиз учун бир нарсани айтиб ўтмоқчиман. Маромига тўла етганда тезлиги соатига 100 километргача боради. Бундай агрегатлар бошқа турдош корхоналарда деярли йўқ. Яна бир технологик линия соатига 12 мингта бутилка салқин ичимликлар ўтказади. Пивони шишаларга қуядиган шундай қувватли яна учта линия ҳам ишламоқда. Ҳаммаси бўлиб олтита линия ишлаб, улар бир соатда 96 минг шиша салқин ичимликлар қуймоқда. Комбинатимизнинг яна бир ноёблиги ҳам шунда, деб ҳисоблайман.

Комбинатимизнинг ўзига хос хусусияти ишлаб чиқариш жараёнларининг юксак даражада механизациялашган ва автоматлашганидадир. Комбинатимизда у саксон олти фоизга етган. Қўл кучи билан бажариладиган юмушлар барча иш ҳажмининг ўн тўрт фоизини ташкил этади.

Шунга яраша комбинатда меҳнат унумдорлиги ҳам юқори бўлмоқда, унинг рентабеллиги даражаси ҳам анча юксакдир. Ҳар йили йигирма олти-йигирма саккиз фоиз атрофида бўлмоқда. Бундан жамоамиз ҳам, қолаверса давлат ҳам катта наф кўрмоқда. Айрим салқин ичимликлар фақат корхонамизда тайёрланишини ҳам ҳисобга олиш лозим. Шу маълумотларнинг ўзи ҳам комбинатимиз ноёб, ягона эканлигини муайян даражада тавсифлайди.

— Ғуломҳайдар Аҳмедович, жамоа, унинг меҳнат йўли ҳақида, жумҳуриятимиз меҳнаткашларининг салқин ичимликларга нисбатан эҳтиёжини, йил сайни ошиб бораётган талабларни қондириш борасидаги ишлари ҳақида қисқача гапириб берсангиз?

— Жамоамиз сал кам йигирма йилдан бери эл хизматида, унинг кундалик эҳтиёжлари учун зарур бўлган қимматли, очиғини айтиш керак, саломатлигини мустаҳкамлашга ёрдам берадиган маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келяпти. 1974 йилда дастлабки декалитр салқин ичимликлар тайёрланиб, савдо шоҳобчаларига чиқарилган эди. Биз тайёрлаётган ичимликлар, айниқса, «Пепси-кола» жуда машҳур бўлиб кетди. АҚШда яратилган ва жаҳоннинг ўнлаб мамлакатларида ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бу ичимликнинг бозори жуда чаққон бўлди биринчи кунларданоқ.

«Тошкент» минерал суви, пивони ва салқин ичимликларнинг янги турларини тайёрлаш ўзлаштирилди. 1982 йилгача ҳар йили ўн бир миллион сўмлик ҳажмда маҳсулот меҳнаткашлар дастурхонига тортиқ қилинган бўлса, 1986 йилда у ўн беш ярим миллион сўмликка етди. Ўтган йили эса қирқ уч миллион сўмликдан ошиб кетди. Бунга эски нархларда эришилганини ҳам айтиш керак.

Ҳозирги вақтда байналмилал жамоамиз сафида саккиз юз олтмиш беш нафар ишчи-хизматчи бор. Улар саккиз миллат вакиллари. Асосий таянчимиз корхонамизда дастлабки кунлардан ишлаб келаётган ишчи-хизматчилардир. Улар ҳар соҳада маъмурият, жамоат ташкилотларининг маслаҳатчилари ҳисобланишади.

Жамоамизда ишчи-хизматчилар сулолалари ҳам тобора кўпайиб бораётганлиги, ягона бир оила аъзоларининг жамоамиз аъзолари сафига олдинмакейин қўшилаётганлиги ҳам қувончли

(Давоми 3-бетда).

СУРАТЛАРДА: комбинатнинг олди кўриниши ва тайёр маҳсулотни савдо шахобчаларига жўнатиш пайти.

• *Ижтимоий муҳофаза— давр талаби*

ДАРОМАДГА ҚАРАБ, БУРОМАД

БУ ЕРДА ҳар йили мингдаб тонна деҳқончилик маҳсулотлари қайта ишланиб, консерва қилинмоқда ва эл дастурхонига тортиқ этилянти. Ҳозирги қийин шароитларда ҳам Янгийўлдаги бу консерва заводи жамоаси бир маромда ишламоқда. Ишлаб чиқариш ҳажми ва олинаётган даромад кўпайиб бормоқда. Лекин шунга қарамай меҳнаткашларнинг турмуш шароитлари ҳамма жойдаги каби оғирлашяпти. Буни бироз бўлса ҳам енгиллаштириш юзасидан заводда қандай ишлар қилинмоқда. Корхона директори Авад Ғафуров шу ҳақда қуйидагиларни гапириб берди:

— Заводимизда ишчи-хизматчилар сони 1100 кишини ташкил этиб турипти. Улар турли миллат вакилларидир. Лекин ҳамма ҳозирги иқтисодий ҳамкорлик чок-чокидан сўкилиб кетган, бошбошдоқлик авж олган шароитда аҳил ва иноқ бўлиб меҳнат қилмоқда. Чунки жамоа фаровонлиги ҳар бир ишчи-хизматчининг меҳнатига боғлиқ бўлгани каби ҳар бир консервачининг турмуш шароити яхшиланиши шу жамоа меҳнатига ҳам боғлиқдир. Буни ҳамма жуда яхши тушунмоқда. Чунки арзимаган лоқайдлик, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини бузиш, технологияга амал қилмаслик, «мендан кеттунча эгасига етгунча» қабилида иш юритиш асло мумкин бўлмай қолди. Илгарилари бундай нуқсонларнинг «арзимаганлари»га унчалик эътибор ҳам берилмас эди. Ҳозирги вақтда эса бунга чек қўйилди. Унинг ҳар қандай катта-кичик кўринишлари ўз баҳосини олмоқда, жазоланмоқда. Меҳнат интизоми қоидаларига амал қилмовчилар баҳридан эса ўтиляпти. Илгари тараллабедод қилиб, истаса ишлаб, истамаса ишламай юрадиганлар жамоамизда қолмади.

Шундай аҳиллик ва иноқлик, бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилиш, қийинчиликларни биргаликда бартараф этиш ишлаб чиқариш жараёнининг олдинги марраларининг ҳозирги қийин шароитларда ҳам сақланиб қолишини таъминламоқда. Ўтган хўжалик йилидаги ишимиз якунлари ҳам бундан далолат бериб турибди.

Йилни барча асосий технико-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича кўнгилдагидек якунладик. Режада назарда тутилганидан анча кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди ва сотилди. Ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, иш шароитларини яхшилаш, янги техника воситаларни, замонавий асбоб-ускуналарни жорий қилиш бўйича кўрилган тадбирлар натижасида меҳнат унумдорлиги кескин ошди. Бу эса фойда олишнинг асосий манбаидир. Шу туфайли ҳам ўтган йили олдинги вақтлардагига нисбатан анча кўп соф фойда олишга муваффақ бўлдик. У умуман 12,6 миллион сўмни ташкил этди. Ҳозирги вақтда жамоа ҳамёнида 6 миллион сўм нақд пул бор. Биз бу маблағларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, мавжуд цехларни қайта қуриш қатори ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга сарфлаяпмиз.

Корхонамизнинг йирик бўлинмаси ҳисобланган сабзавот цехида амалга оширилган ташкилий-техникавий тадбирлар самарасини эндиликда яққол сезиб турибмиз. Унга ишбилармон, тадбиркор мутахассис Раҳматилла Саидов бошлиқ этиб тайинлангач, цех ишлаб чиқариши юксалгандан юксалиб бормоқда. Чунки у жамоа билан тил топиб ишламоқда. Унинг эҳтиёжлари ва талабларига қулоқ солмоқда. Ҳар бир масалани биргаликда, ишчи ва хизматчиларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олиб ҳал қилмоқда. Шу туфайли ҳам цехда ишлаб чиқариш ва меҳнат интизоми кескин яхшиланди. Ҳамма ўз вазифасига виждонан муносабатда бўлмоқда. Натижада режалар ошириб адо этиляпти, даромад, фойда эса кўпаймоқда. Бундан аввало ишчи-хизматчиларнинг ўзлари наф кўрмоқдалар. Яқин-яқинларгача уларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 200 сўм атрофида бўларди. Ҳозир эса тўрт баровардан ҳам ошиб кетди.

Бу ерда ҳар ойда шартли 800 минг дона банка маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Ўтган икки ойда тайёрланган маҳсулот шу миқдордан ошиқ бўлса бўлдики, кам бўлгани йўқ. Лекин жамоа янада кўпроқ имкониятларга эга. Агар асбоб-ускуналар учун эҳтиёт қисмлар, шиша идишлар етказиб бериш кўпайса, ҳар ойда бемалол шартли 1 миллион дона консерва тайёрлаш мумкин. Шундай буюмларни етказиб берувчи корхоналар билан ҳамкорликдаги чалкашликлар бунга имкон бермаяпти. Ҳатто айрим вақтларда шиша идишлар йўқлиги оқибатида иш вақтида бекор туриш ҳолларига ҳам мажбур бўлинмоқда.

Ҳозирги вақтда мева цехимизни қайта қуриш ишларини бошлаб юбордик. Унинг ишлаб чиқариш қуввати анча ортади. Бу жамоамиз фаолияти кўрсаткичларининг янада яхшиланишига олиб келишига умидвормиз.

Унумли ва сифатли ишлаш умуман корхона ишчи-хизматчиларининг олаётган ойлик маошлари анча ортишини таъминламоқда. Ўтган йил декабрь ойида у ўрта ҳисоб билан 950 сўмни ташкил этган эди. Ҳозирги иқтисодий таназзул вақтида бу ҳам етарли эмаслигини яхши биламиз. Чунки нарх-наво мисли кўрилмаган даражада ортиб бормоқда. Бундай шароитда ишчиларнинг турмуши янада ёмонлашади. Биз мана шундай аҳволни муайян даражада бўлса ҳам юмшатиш учун барча имкониятларни ишга соламиз. Аввало иш ҳақини ошириш бундан буён ҳам давом этаверади. Биз уни бир ярим-икки минг сўмгача етказишни мўлжаллаб турибмиз. Бундай дейишга барча асосларимиз бор.

Ишчи-хизматчиларнинг уй-жой шароитларини яхшилаш муҳим вазифа ҳисобланади. Илгари уй-жойлар етишмаслигидан ишлаб чиқариш катта зарар кўрарди. Чунки маош кам бўлгани учун етук мутахассисларни ҳар доим ҳам ушлаб туриб бўлмас эди. Биз бу муаммони ҳал қилишга катта эътибор билан қарамоқдамиз. Кейинги йилларда уй-жой қурилиши анча кенгайди. Ҳозирги вақтда 40 хонадонли кўп қаватли уй бунёд этилмоқда. У битгач уй-жойларга ёки унинг шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган ўнлаб оилаларни ўз бағрига олади. Биз яна бир шундай уй қуришни мўлжаллаб турибмиз.

Айни вақтда якка тартибда уй қурувчилар учун барча шароитларни яратиб беришга интилмоқдамиз. Ҳозирнинг ўзидаёқ корхонамиз ишчи-хизматчиларидан 28 киши олти—саккиз сотиҳдан томорқа ери олди. Улар бу ерда уйлар ҳам қуришади, шубҳасиз. Демак, бинокорлик материалларига бўлган эҳтиёж янада ортади. Биз бундай материалларни ишлаб чиқараётган маҳсулотимизга айрибошлаш билан олиш йўлини тутмоқдамиз. Россиядаги қатор корхоналар билан ҳамкорликни йўлга қўяяпмиз. Биз уларга ишлаб чиқараётган маҳсулотимиздан етказиб берамиз. Бунинг эвазига эса зарур бўлган турли-туман қурилиш материалларини оламиз. Бу билан корхонанинг ўзида ҳам, якка тартибда ҳам қурилиш ишлари аҳволини анча яхшилаш мумкин бўлади, албатта.

Жамоани ижтимоий муҳофаза қилиш ишларининг катта кичиги бўлмайди, деб тўғри айтишар экан. Буни бир мисолда кўрсатиб ўтмоқчиман. Ҳеч кимга сир эмас, кейинги вақтларда дўконлардан нон олишда ҳам қийинчиликлар юзага келмоқда. Бунинг учун навбатда туришга тўғри келяпти. Биз жамоамиз аъзоларининг бу ташвишларини енгиллаштириш йўлини ҳам топдик. Корхонада янги нон дўкони ишга туширилди. Эндиликда ишчи-хизматчилар нон олишда ҳам кидириш ташвишидан ҳалос бўлдилар. Керагини ишдан кейин шу дўкондан оладилар.

Ишчи-хизматчиларимизнинг фарзандлари ҳақида ҳам, уларнинг соғлом ўсиши тўғрисида ҳам баҳоли қудрат ғамхўрлик қилаяпмиз. 140 ўринли болалар боғчаси фойдаланишга топширилган. Ишчиларимизнинг фарзандлари ҳар йили кашшофлар лагерларига юборилмоқда. Турмуш ночор ва кўп болали ишчиларимизнинг фарзандлари боғчада бепул тарбияланаётгани қатори кашшофлар лагерига бориш учун текин йўлланмалар билан таъминланмоқда. Корхонамизда узоқ йиллар ишлаб бутун куч-қувватини шу ерда сарфлаган, эндиликда эса нафақахўр бўлиб қолган фахрийлар турмушидан хабар олиб туриш одат бўлиб қолди. Вакилларимиз улар ҳузурида бўлиб туришади. Ҳол-аҳволларини суриштиришади. Керак бўлса моддий ёрдамни кўрсатишади.

Албатта, заводимизда ҳамма иш кўнгилдагидек бораяпти, деб бўлмайди. Камчиликларимиз ҳам анчагина бор. Уларни яхши биламиз, бирин-кетин бартараф этаверамиз. Лекин бир вақтлар ҳамкорлик ришталари билан боғланган ва бошқа давлатларда жойлашган корхоналар билан алоқаларнинг путурдан кетиши анчагина қийинчиликларни вужудга келтирмоқда. Биз бу ҳамкорликни қайтадан изга солиш йўлини қидираверамиз. Бу, албатта, ютуқларимиз салмоғи янада ортишига олиб келади.

Х. МИРЗАЕВ,
«Янгийўл» рўзномаси ходими.

УЛАРНИНГ ҲАМ ҲИССАСИ БОР

РЕСПУБЛИКАМИЗДА қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш учун умумхалқ кураши бошланганда Бекобод шаҳрида темир-бетон буюмлари ва қурилиш материаллари комбинатини барпо этиш ишлари ҳам бошлаб юборилган эди.

Комбинат дастлабки йиллардаёқ Мирзачўл қўриқ ерларини ўзлаштириш учун бетондан тайёрланган ариқларни етказиб бера бошлади. Йиллар ўтган сайин, давр талабига ҳамоҳанг комбинат ҳам кенгая борди ва янги-янги ускуна ва дастгоҳлар билан таъминланди. Кўприк ва тўсинли юк кўтариш кранлари, бетон қоришмалари тайёрлаш ва уларни қуйиш мосламалари ўрнатилди. Маҳсулот ишлаб чиқариш кескин кўпайди, асосий ишлаб чиқаришга ёрдамчи, таянч бўлимлар барпо қилинди. Натижада комбинат фақатгина шаҳримиздагина эмас, балки жумҳурият миқёсида ҳам йириклиги, ишлаб чиқараётган маҳсулотининг ҳажми катталиги ва зарурлиги билан тилга олина бошлади.

Ҳозирги кунда комбинат шаҳримизнинг ойлик ва йиллик режаларини ортиги билан адо этиб келаётган ишлаб чиқариш корхоналаридан бири ҳисобланади. Кейинги вақтларда ҳатто ойлик топшириқларни бир юз қирқ фоизгача етказиб бажаришмоқда. Бу қўшимча йигирма минг куб метр темир-бетон буюмлари демакдир. Темир-бетон буюмлари етказиб бериш эса вужудга келган қийинчиликларга қарамасдан уддаланиляпти.

Бироқ, шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, мамлакат ичида рўй бераётган иқтисодий парокандалик комбинат иш фаолиятига ҳам таъсир қилмасдан қолмади. Саратов ва Белорецк шаҳарларидаги заводлардан ингичка ҳажмли арматура ва симлар ўз вақтида ёки етарлича келмаётганлиги жамоани қийин иқтисодий аҳволга солиб қўймоқда. Бу соҳада қўшни Тожикистоннинг Калинин жамоаси хўжалигидаги қум-шағал етказиб бериш кони ҳам бошқалардан «қолишмаяпти». Чунки шу пайтгача бу кондан унумли фойдаланиш учун икки республика бир ижобий қарорга келганларича йўқ.

Шу кунларда корхонанинг қайси бир бўлинмасида бўлманг ғайрат-шижоатга тўла меҳнатнинг устидан чиқасиз. Ҳамма юзага келган камчиликларга қарамай, ички имкониятлар ҳисобига буюртмачилар олдидаги мажбуриятини бажаришга астойдил интилмоқда. Мана, бетон маҳсулотлари учун симли тўрлар тайёрлаш цехи. Бу цехда 40 киши ишламоқда. Тайёрланган тўрлар пешма-пеш 7 та кран ёрдамида биринчи ва иккинчи полигон ишчиларига етказиб берилмоқда. Цех ўз жонкуярлари — бригада бошлиғи И. Ашуров, тайёрловчи Э. Абдуллаевлар билан фахрланади. Темир-бетон буюмлари тайёрлаш цехида асосан уй-жой қурилиши учун бетон-пойдеворлари, бетон ариқчалар ҳамда бошқа маҳсулотлар тайёрланмоқда. Қўшни полигонда эса бетонли ариқлар, иссиқлик ўтказувчи қувурлар тайёрланмоқда.

Айниқса, айланаси 1000—1200 миллиметрли бетон қувурлари буюртмачилар дидига жуда ҳам мос келмоқда. Бу ерда машаққатли, аммо шарафли меҳнатлари эвазига жамоа орасида ҳурмати чексиз кишилар сони кўпаймоқда. Кран ҳайдовчиси И. Мазитов, бригада бошлиғи Э. Холматов, бетончи Ш. Муллажонов ва бошқалар шулар жумласидандир.

Янги ерларни ўзлаштириш, суғориш тармоқларини барпо этишни шу корхона жамоаси меҳнатисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу тўла маънода хайрли иш. Шу олийжаноб мақсадли меҳнатларида уларга доим омад тилаймиз.

А. АШУРОВ,
А. БОБОНАЗАРОВ.

АЁЛЛАР СОҒЛИҒИНИ ЎЙЛАБ

Куни кеча С. Раҳимов ноҳиясининг 2-туғуруқхонасида бош шифокорларнинг йиллик ҳисобот мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бошлиғи, халқ нойби Қ. Ризаев, шаҳар ва ноҳиялар соғлиқни сақлаш бўлимлари бошлиқлари, поликлиника ҳамда касалхоналарнинг бош шифокорлари ва маҳалла фаоллари қатнашдилар. 2-туғуруқхона бош шифокори Н. Иброҳимованинг йиллик ҳисоботи тингланди. Унда оналик ва болаликни муҳофаза қилишдаги ишлар, ҳомиладор аёлларга яратилган имтиёзлар ҳақида кенг тўхталди. Мажлисда сўзга чиққан халқ нойби Қ. Ризаев ёш оналарнинг болаларини соғлом ўстириши ҳақида гапирди. Ҳисобот тугагач маҳалла аҳли билан бевосита савол-жавобга айланган мажлисда кўпгина муаммолар ўртага ташланди. Шифокорлар УЗД аппаратининг йўқлиги ёки қимматлиги аҳоли учун ноқулайлик яратаётганини билдирдилар. Халқ нойби бу муаммони яқин кунлар ичида ҳал қилиб беришини таъкидлади. Сўнг вазир ўринбосари ҳисоботни қабул қилиб, шифокорлардан яна ҳам кўпроқ билим, тажриба, нозиклармонликни талаб қилажагини айтиб ўтди. Шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармасида касалхона ва туғуруқхоналарга олимлар номини бериш ишлари бошланганлиги ҳаммани қувонтирди. Хуллас, маҳалла аҳли ҳам ҳисобот баҳона шифокорлар билан учрашувдан мамнун бўлди.

Ю. МИРЗАКАРИМОВА.



● **СУРАТЛАРДА: пойтахтдаги 2-туғуруқхона бош шифокори Ноила Иброҳимова йиллик ҳисобот бермоқда; ҳисобот таҳлили пайти.**

Даврон АҲМАД суратлари.

• *Давлат тили ҳақидаги қонун қандай бажарилмоқда?*

ТАЛАБАЛАР УЧУН ҚЎЛЛАНМА

Тошкент давлат автомобиль йўллари олий билимгоҳи жумҳуриятимиздаги ёш ўқув юртларидан бири ҳисобланади. У 1972 йили Тошкент политехника олий билимгоҳининг автомобиль транспорти куллиёти асосида ташкил қилинган бўлиб, ҳозирги кунда жумҳуриятимиз учун 8 ихтисослик: транспорт иқтисоди ва уни бошқариш; кўтаргич транспорт ва йўл қурилиш машиналари ҳамда жиҳозлари; автомобиль хўжалиги; транспортда юк ва йўловчилар ташишни ташкил этиш ва уни бошқариш; йўл ҳаракатини ташкил этиш; автомобиль йўллари ва аэродромларни қуриш; кўприклар ва транспорт тоннеллари; бухгалтерлик ҳисоби бўйича кадрлар тайёрлайди. Дарслик ва қўлланмаларда бу ихтисослар устиворлик қилади. Жумладан, бу ўқув юртининг ўзбек тили кафедраси мудири филология фанлари доктори, профессор Ўткир Шокиров ва катта ўқитувчи Маъмура Олимжоновалар яратган «Ўзбек тилининг амалий грамматикаси» ўқув қўлланмаси ҳам олий билимгоҳ ихтисосига мослаштирилган. Олимлар бу қўлланмани тузишда биринчи навбатда рус талабаларига ўзбек тилини пухтароқ ва осонроқ ўргатишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар. Ва айтиш мумкинки, улар ўз мақсадларига эришганлар.

Қўлланма тўқсон дарсдан иборат бўлиб, ҳар бир дарс беш қисмни ўз ичига олади: 1. Матн; 2. Матн бўйича топшириқлар; 3. Матнда учрайдиган сўзларнинг русча изоҳи; 4. Грамматик маълумотлар; 5. Машқлар. Кўриниб турибдики, дарслик анъанавий ўзбек тили грамматикасини тушунтиришдан иборат эмас, мулоқот учун зарур бўлган матндан бошланган. Ўзбек тили ўқитишнинг бу усули диққатга сазовор, чунки биз шу вақтгача ўқувчиларнинг ёши, савияси ва тайёргарлигини ҳисобга олмасдан, дарсларда асосан грамматикани ўқитишга зўр бердик, ўзбек тили қоидаларини зўрма-зўраки ёдлатишга ҳаракат қилдик. Сир эмаски, бу зўрма-зўракилик натижасида айрим ташкилот ва корхоналарда ўзбек тилини ўрганиш курслари ўз-ўзидан тўхтаб қолди. Олимлар қўлланма тузишда ана шу камчиликларни ҳисобга олиб тил ўрганишни матндан бошладилар. Улар шу муҳим томонга катта эътибор берганликлари сабабли қўлланма ўзбек тилини ўрганишда муҳим дастур вазифасини ўтайди. Ў. Шокиров ва М. Олимжоновлар матн танлашга ҳам ижодий ёндашганлар. Матнлар мазмунан хилма-хил бўлиб, асосан жумҳуриятимиз ҳаёти, табиати билан боғлиқ. Уларни ўқиган талабалар Ўзбекистоннинг бой маданий мероси, адабиёт, санъат ва фан арбоблари хусусида муайян тушунчага эга бўладилар.

Бу ерда йўл-йўлакай шуни айтиб ўтиш керакки, автомобил-йўл соҳаси бўйича матнлар сонини китобнинг келгуси нашрларида кўпайтириш мақсадга мувофиқ бўларди.

Қўлланма муаллифлари ҳар бир матнни ўқувчи яхшироқ, пухтароқ ўзлаштириши учун мунтазам равишда сўзларни русча изоҳини берганларки, бундай усул диққатга сазовор. Чунки бу усул рус ўқувчиларига матнни осон ўзлаштиришга ёрдам беради.

Дарсликда ўзбек тили грамматикаси соддаликдан мураккабликка қараб берилган. Олдин фонетика, сўнгра грамматикага оид қоидалар келтирилган. Грамматик қоида рус тилидан шу ҳодисалар билан таққослаш, солиштириш усули орқали тушунтирилади. Бу эса ўқувчиларнинг дарсни ўзлаштиришига ижобий таъсир қилади. Бу қисмнинг диққатга сазовор жойи яна шундаки, грамматик қоидалар русчага таржима қилинган. Демак, рус ўқувчиси ўзбек тили грамматикасидан тўлиқ маълумот олиш имконига эга. Бу педагоглар учун ҳам маълум қулайликлар туғдиради. Дарсликда берилган машқлар ҳам грамматик қоидаларни пухта ўзлаштиришга қаратилган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳозир ўзбек тилини ўқитиш усуллари такомиллашаётган бир даврда бундай қўлланмаларни нашр қилишни табриклаш керак. Бизнингча, худди шунга ўхшаш дарсликлар жумҳуриятимиздаги бошқа ўқув юртларида ҳам тузилса, ўзбек тилини ўқитиш ишлари янада самаралироқ бўлар эди.

Эргаш УМАРОВ.

ҲОРИЖДАН ХАБАРЛАР

● **ОВРЎПО Ҳамжамияти комиссияси раиси Жак Делор Россия президенти Борис Ельцин таклифига биноан бир неча кун Москвада меҳмон бўлиб турди. Ўз сафари давомида Ж. Делор Россиянинг олий мартабали давлат арбоблари — Б. Ельцин, Е. Гайдар ва бошқа кишилар билан мулоқотда бўлди. Икки ўртада бўлиб ўтган суҳбатлар чоғида Оврўпо ҳамжамияти билан Россия ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар муҳокама қилинди. Сафар охирида Ж. Делор шу йил июль ойининг иккинчи ярмида Б. Ельцинни Оврўпо Ҳамжамиятига расмий ташриф билан бориш учун таклиф қилди.**

● **АНГЛИЯ Бош вазири Жон Мейжор Оврўпога қилган сафарининг охирида Венгрияга келди. Венгриянинг Бош вазири Иожеф Анталл Марказий Оврўподаги Венгрия, Польша ҳамда Чехо-Словакия билан бўладиган муносабатларда мазкур давлатларни Оврўпо Ҳамжамиятига аъзо қилишда ўзига хос йўл тутилса дуруст бўлар эди, деган фикрни ўртага ташлади. Венгрия Президенти Арпад Гёнц эса Буюк Британиянинг Венгрия иқтисодиётини ривожлантиришда кўрсатаётган ёрдамини юксак баҳолади.**

● **МУҒУЛИСТОН пойтахти Улан-Баторга Россия ҳукумати бошлиғининг ўринбосари Валерий Махарадзе раҳбарлигидаги делегация келди. Мўғулистон—Россия ҳукуматлараро музокараларида икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамда илмий-техникавий масалалар муҳокама этилади.**

● **ИСРОИЛ маъмурлари Қуддус шаҳрини 24 соатлик қамалга маҳкум этдилар. Натижада, Ғазо ҳамда Урдун дарёсининг ғарбий соҳилидан келган 2 миллионга яқин араблар бу муқаддас шаҳарга киргизилмади. Исроил томони шаҳар бир қисмининг Исроил томонидан босиб олинганлигининг 25 йиллигини байрам қилиш пайтида исроилликлар билан араблар ўртасида тўқнашувлар келиб чиқиши мумкин, деган мушоҳада билан юқоридаги чорани кўришга мажбур бўлди.**

● **ҚУШНИ мамлакатлар Афғонистон ички ишларига аралашишни тўхтатмагунларича бу мамлакатда тинчлик қарор топмайди,— деди Лондонда чиқадиган «Кейхан» журнали мухбири билан қилган суҳбатида Афғонистоннинг собиқ ҳукмдори — Муҳаммад Зоҳир Шоҳ. Ўн уч йиллик уруш ва вайрон этишликлар оқибатида бизнинг халқимиз фақат тинч шароитларда яшаш умиди билан умр ўтказди. Эндиликда бундай умид ташқи кучлар таъсири натижасида йўққа чиқарилмаслиги лозим. Бизларнинг қўшниларимиз бўлган давлатлар афғон халқининг бундай эзгу хоҳиш-иродасини ҳурмат қилмоғи керак, деб таъкидлади собиқ шоҳ.**

● **ШУ ЙИЛ 13 июлда Ҳиндистонда президент сайловлари бўлиб ўтади. Мамлакат сайлов комиссияси ахборотига қараганда, 24 июлда ҳозирги президент Рамасвами Венкатараманнинг ваколатлари тугайди. Бўлажак сайловларда қайси давлат арбобининг президент бўлишини ҳозир ҳеч ким аниқ айтиб бера олмайди.**

● **МЕКСИКА ташқи ишлар вазирлиги Америка Қўшма Штатлари ҳукуматига норозилик мактуби йўллади. Ғаш шундаки, икки давлат ўртасидаги чегараларнинг бирида кутилмаган воқеа бўлиб ўтди. АҚШ хизматчиларидан бир неча киши чегарани бузиб ўтиб, Мексика ичкарисига бир неча километр кириб бордилар ва Мексика фуқаролари ҳисобланган эр-хотин Моисес ва Марту Монтояларни ҳибса олиб, Техас қамоқхонасига олиб кетдилар.**

● **ЭРОН миллий мажлиси (парламенти)нинг мувақкат раиси этиб 49 яшар ҳожатулислом Акбар Натек-Нурий сайланди. «Теҳрон таймс» рўзномасининг хабарига қараганда, депутатлар А. А. Натек-Нурий учун якдиллик билан овоз бердилар.**

Ғарибларни йўқлайлик!

АСАЛ АЯНИНГ АЧЧИҚ ТАҚДИРИ

Автобус ойнасидан липлип ўтаётган манзараларга тикилиб бораётган етмиш ёшлар чамасидаги онахон толиққанданми ёки бошқа бир сабабданми тез-тез уҳ тортиб қўярди.

— Кечирасиз онахон, тинчликми?— сўрадим у кишининг ғамгин чеҳраларига боқар эканман.

— Эҳ, болам сиз сўраманг, мен айтмай. Бу дунёда номардлар, пасткашлар, худодан қўрқмаганлар кўп экан...

Онахонинг исмлари Асал ая бўлиб, у кишининг юз ёшли кекса оналари —Ҳурматой момодан бўлак ҳеч кимлари йўқ экан. Улар Оҳангарон районидаги «Янги бино» қишлоғида ёлғиз яшашар экан. Яқинда уч-тўрт белори Асал ая йўқ пайтларида уйларига кириб, Ҳурмат аяни қийнаб «ўлимлик» — учун йиққан пулларингни бер»,— деб талаб қилишибди. Уйда қўлга илинган нарсани, она-бола не-не азобда йиққан ўлимлик пулни олиб кетишдилар. Мана бир неча ойдирки, уларни топишдан умид йўқ экан.

Бир неча кун давомида Асал ая ва уларнинг кекса оналари бошига тушган кўнгилсизликни унутолмай юрдим. Наҳотки онахонларнинг шундай оғир шароитда тежаб-тергаб йиққан маблағларини ўғирлаб кетган, ўғирлаганда ҳам кексаларни калтаклаб, майиб қилганлар ҳам инсон боласи бўлса?

Мен бу воқеани ҳикоя қилиб берганимда қалбида инсоф диёнати бўлган — ТошДТД домлалари — С. Анорбоев, У. Иномов, А. Жўраев, У. Маразиков, Ж. Шодиев, Б. Исаев каби доирилфунун талабалари ва яна инженерлар К. Мавлонов, А. Ботиров, Ш. Шоносиров, юкчи — А. Нуриддинов, шофер — Н. Ўринқуловлар баҳоли — қудрат ўз жамғармалари ҳисобидан пул йиғиб беришди ва уни Асал аяга топширишни мендан илтимос қилишди.

...Қўни-қўшниларнинг баланд ва мустаҳкам деворли уйлари орасида Асал ая хонадонини топиш қийин бўлмади. Негаки, кекса онахонларнинг уйлари (аниқроғи кулбалари) ўз уйлари каби ғарибгина, нурай деб қолган икки хонали ҳужрадан иборат экан. Деворсиз, тўрт томондан далага туташган кулба, ёмғир, қорлар оқибатида нурай деб турибди.

Уй олдидаги эшиксиз даҳлиздан совуқ уриб ётибди. Даҳлиз деворлари сувоқ қилинмаган, ерга тахта ҳам ётқизилмаган. Ичкарига кирамиз. Темир печка билан истиладиган бу тор хонада Ҳурматой ая ётибдилар. Печка ҳонани бир маромда ушлаб турмай ғоҳ исиб, ғоҳ совиб кетиши туфайли бўлса керак ая устига уч қават кўрпа ташлаб қўйилган. Қария тез-тез инқиллар, қўлларини базўр қимиллатарди.

— Безорилар уриб, қўлларига шикаст беришгандан бери, оғриқ босилмайди,— дейди Асал ая.— Ўзлари олти йилдирки кўрпа-тўшак қилиб ётадилар. Ўзимнинг ҳам бир қўлим ногирон, юк кўтаролмайман.

Инсон боши тошдан қаттиқ, дейишади. Мана шу ярим вайрона кулбада икки ногирон кекса билан ўтириб,Асал аянинг аччиқ қисматини тинглар эканман, бу гапнинг тўғрилигига ишондим. Асал ая яккаю ёлғиз ўғлини не-не азобу-уқубатлар билан, бир олам орзу-умидлар билан улғайтирар, ёлғизим ўзидан кўпайсин дея кечаю-кундузи худодан сўрарди. Афсуски, ҳар доим ҳам бандасининг айтгани бўлавермас экан. Ана шундай эзгу орзулар билан Знёджонни уйлаб қўйди. Лекин тўйдан икки ой ўтар-ўтмас Знёджоннинг тоби келишмай, Оҳангарон район касалхонасида ётди. Тўрт кундан сўнг эса уни Олмалиқ шаҳар касалхонасига олиб кетишди. Асал ая кечаю кундуз яратгандан ёлғизининг дардига даво тилади, касалхонада қолиб кетди. Афсуски, Знёджоннинг умри қисқа экан. Тўрт кун яшаб, оламдан кўз юмди.

Асал ая энди ўлиб қолсам керак,— деб ўйлаган эди. Лекин ўлмадию, сирти қолди, холос. Келини Муқаддасга ҳам раҳмат. Икки кекса, ғариб, кўнгли ярим-ни иззат қилиб уйига кетмади.

— Болам,— деди бир куни Асал ая кўзларида ёш айланиб.— Сиздан мингдан-минг розиман. Бизни сийладингиз, сизни Худо сийласин. Ўғлим энди қайтиб келмайди. Сиз ҳам ёшсиз, уйимиз деворсиз, эшигимиз тамғасиз. Қудаларимга айтинг, сизни олиб кетишларига розиман.

Лекин аянинг ўксик дилига таскин, қалбига қувонч бағишлаган бу Нуриддинжон эди. Келини икки ойлик гумони билан қолган экан. Вақти—соати келиб тор кулбани нурафшон этиб туғилган ўғлининг ёдгорига Нуриддинжон деб исм қўйишди.

У онаси билан кекса бувиларини кўргани келиб туради.

— Совхоз маъмурияти ёрдам кўрсатиб туришибдими,— сўрайман онахондан?

— Ҳа, уйимизни суватиб, оқлатиб беришди. Ўтин-чўпга қарашиб туришибди.

— Қачонлардир уйни суватишган бўлсалар керак. Аммо бунинг яқин орада бўлмаганлигини, деворларнинг «ўзи айтиб» турибди. Аммо ичкарида бироз бўлсада ўтинлик бўлардик, бирор нарса учратмадим.

Нақадар андишали, сабрли халқмиз-а? Ёши юзга етиб, хасталик туфайли олти йилдан бери остона хатлаб кўчага чиқаолмаётган Ҳурматой момо ва унинг ёши етмишдан ошган хастахол қизи Асал ая кабилар Ўзбекистондек нуфуси ва инсонпарвар ўлкада «керексиз» буюмлардек ўз ҳолига ташлаб қўйилганлигини тасаввур ҳам қилолмайди киши. Аммо бу ҳолни ўз кўзинг билан кўргандан кейин, уларга ёрдам беролмаслигинг, ёрдам бериши керак бўлганлар эса бепарво юрганликлари алам қилади.

Ахир масжид остоналарига қўша-қўша гиламлар, поёндозлар солишга қудратлилар бор-ку, бизда? Ҳайрия тадбирлари ўтказиб, ночор ва ёлғизларга ёрдам кўрсатувчи қўмиталар қаерда? Нега уларга бу онахонларнинг оҳу-ноласи етиб бормайди? Ахир улар яшаётган «Янги бино» қишлоғининг саҳоватли кишилари, қўни-қўшнилари, мактаб ва масжидларнинг муаллим ва уламолари-чи? Наҳотки, улар бу қаровчисиз онахонларнинг зорини эшитмайдилар?

Мен ушбу мақола орқали барча инсонпарвар инсонларга мурожаат этаман:

Агар йўлингиз тушиб, Оҳангарон районига ўтиб қолсангиз, Оҳангарон —Олмалиқ чорраҳасидаги ДАН идорасининг шундоққина орқасидаги учинчи «ҳовлида» (тўғрироғи кулбада) истиқомат қилаётган икки момони зиёрат этишингизни сўрардим. Зеро, «Бир ғарибни йўқлаш, бир марта ҳаж қилган билан баробар», дейилади Ҳадисда.

Мусулмон АСҚАР ўғли.

СУВДЕК СЕРОБ БЎЛИНГ

Қибрайдаги салқин ичимликлар комбинати жамоасига кўпчилик ана шундай демоқда

(Бошн 1-бетда).

ҳодисадир. Корхонамизда ўрганган касблари билан фахрланувчи, қариндошуруғлари, ака-укалари, опа-сингилларида ўз ҳунарига қандайдир меҳр уйғотиб, уларни ҳам ўз қаторига олаётганлар, ҳунар ўргатаётганлар ўнлаб топилади. Бир авлод ёки оиладан икки-уч нафар кишининг ишлаши оддий воқеа бўлиб қолди. Ҳатто бир оиладан беш кишилаб меҳнат қилмоқда.

Қўчқор ва Асқар Шоюсуповлар ҳақида илиқ гаплар айтиш мумкин. Бу икки ака-ука ўз меҳнатига, вазифасига сидқидилдан ёндашишлари, ҳар қандай топшириқни тез ва сифатли бажаришлари, айниқса технологик линия асбоб-ускуналарини жуда маромига етказиб созлашлари билан жамоа оғзига тушган. Бу оиладан корхонадаги меҳнат қучоғига биринчи бўлиб қадам қўйган Қўчқор изидан укаси ҳам борди. Менимча улар шу ерда ишлаб, кам бўлишмаяпти, меҳнатлари муносиб тақдирланмоқда.

Усмоновлар оиласидан ҳам икки киши ишламоқда. Уларнинг каттаси Нодир Усмонов пиво қуйиш цехи бошлиғи бўлса, укаси Баҳодир эса уста ҳисобланади. Улар меҳатни оддий ишчиликдан бошлаган эдилар. Муҳайё, Сурайё ва Баҳодир Турсунбоевлар ҳам бир оила вакиллари бўлиб, ўз касбларига содиқлик намунасини ҳар доим намойиш этишади. Равшан ва Ҳусан Мўминовлар меҳнатда бошқаларга ўрнак бўлишяпти. Опа-сингил Бибигул, Сарагул, Гуля, Диля Ташиковалар машинист, бухгалтер, режаловчи бўлиб ишламоқдалар. Шундай сулолалардан яна бири Галуслардир. Олти нафар ака-ука ва жияндан иборат бу ишчилар сулоласи корхонамизда етакчи касб — созловчи-чиланғарлик бўйича юқори малака эгаларидир. Владимир, Иван, Валентин, Давид, Карл ва энг кичик вакил Виталийлар ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан жамоада катта обрў орттиришган. Энг муҳими, улар ҳеҳқачон ишдан нолимайдилар, қийинчиликларни матонат билан енгадилар, асбоб-ускуналарни сифатли созлаб, бутун смена давомида бир маромда ишлашини таъминлайдилар.

Ишчилар сулолалари рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Ҳозирги мураккаб вазиятда ҳам жамоамиз аҳил ва иноқ бўлиб ишлаётган экан, бунда ишчи сулолаларининг муносиб ҳиссаси, роли бор. Буни очиқ-ойдин айтиш лозим. Умуман ишчи сулолаларининг кўп бўлгани яхши экан. Иш тажрибаси шундан далолат бериб турипти. Ўз навбатида маъмурият ҳам бундай сулолалар сафи ортишига, ишчи кучи қўнимсизлигини камайтиришнинг бу муҳим омилидан оқилона фойдаланишга астойдил ҳаракат қилмоқда.

— **Ишчи кучи қўнимсизлиги саноат корхоналари учун энг мураккаб муаммолардан бири ҳисобланиши ҳаммага маълум. Айниқса, кейинги вақтларда ширкатлар, қўшма ва кичик корхоналарнинг баҳор ёмғиридан кейин бодраб чиқадиган қўзиқорнилар сингари кўпайиб кетиши бу муаммони янада чигаллаштирди. Уларда бир хил меҳнатга нисбатан ортиқроқ ҳақ тўланади. Кейинги иқтисодий таназзул оқибатида айрим корхоналарда ишчи-хизматчилар сонини камайтириш бошланди, чунки жамоани иш билан тўла таъминлаш имкони бўлмай қолди. Шундай шароитда комбинатда бу муаммоларни ҳал қилиш қандай аҳволда?**

— Ҳозирги шароитда бу масала ниҳоятда долзарб бўлиб қолди. Собиқ Иттифоқимиз мавжуд бўлган пайтда моддий-техника таъминоти ҳарқалай анча дуруст йўлга қўйилган эди. Ишлаб чиқариш учун зарур бўлган материаллару ҳом ашёлар вақтида етказиб бериларди. Натижада иш бир маромда бораверарди.

Шундай бўлганда асосан ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ҳамда ишчи қўнимсизлигини камайтириш ҳақида қайғуриларди. Ишчи кучи қанчалик барқарор бўлса шунча яхши бўлиши ҳаммага тушунарли.

Шунинг учун ҳам бизда жамоанинг барқарорлигини таъминлашга доим катта эътибор бериб келинди ва ҳозир эса янада кучайди. Комбинатимизда ишчи кучи қўнимсизлигининг паст бўлиши ва эндиликда янада камайиб кетганлигини мамнунлик билан қайд қилмоқчиман. Кейинги йилларда у барча ишчи кучига нисбатан 5,4—5,6 фоизни ташкил этмоқда.

— **Бизнингча, ишчи қўнимсизлиги бу даражада бўлишига эришилган саноат корхоналари камдан-кам топилса керак. Кўпчилик корхоналарда бу кўрсаткич ўн беш—йигирма фоиз ва ундан ҳам ошиқроқ бўлган ва ҳозир ҳам шундай бўлиб турибди. Комбинатда бундай камайиш қандай таъминланмоқда? Шу соҳадаги тажриба ҳақида батафсилроқ маълумот берсангиз?**

— Бу соҳадаги ишларимиз ҳақида кўп гапириш мумкин. Унинг энг муҳимлари ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Бунинг учун биринчи навбатда ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш ишлари кўламини иложи борича кенгайтириш йўлидан бораяпмиз. Чунки, ҳозирги вақтда иқтисодий таназзул ҳамон кучаймоқда, нарх-наво ошмоқда, пул қадрсизланиб, турмуш тарзи мушкуллашмоқда. Қисқаси, ҳаёт ниҳоятда қимматлашиб кетди.

Ишчи-хизматчиларнинг турмуш шароити, асосан, улар топаётган иш ҳақи миқдорига боғлиқ. Олдинги икки юз — уч юз сўмлик маош эндиликда ҳеч нарса бўлмай қолди. Шунинг учун ҳам, аввало, ойлиқни кўпайтираяпмиз. Нархнаво ошган сари иш ҳақини ҳам ошириб бордик. Апрель ойидан бошлаб ҳар бир ишчи-хизматчига тўланаётган ойлик миқдори икки минг беш юз сўм билан икки минг саккиз юз сўм ўртасида белгиланди. Энг малакали ишчилар маоши эса тўрт минг сўмгача боради.

Ишчи-хизматчиларга бошқа турли шаклдаги тўловлар ҳам берилмоқда. Ҳар йили кузда жамоамизнинг ҳар бир аъзосига бир йўла 200 сўмдан пул бериш одат бўлиб қолди. Бу қиш учун картошка-сабзавотлар сотиб олишда ҳарна асқотмоқда. Бундан ташқари, ҳар ойда овқатланишлари учун ҳам қўшимча пул берилмоқда. Ҳозирга келиб, унинг миқдори 200 сўмга етди. Тунги сменада ишлаётганлар, иш жараёни оғирроқ бўлган ишчи-хизматчилар текинга овқатланишади. Ошхоналаримизда таомлар нархи нисбатан арзонлаштирилгани ҳам ҳисобга олинса, бу моддий ёрдам анча салмоқли эканлигини тасаввур қилиш қийин бўлмаса керак.

— **Ижтимоий муҳофаза қилишнинг бошқа шакллари ҳам борми? Агар бўлса улар ҳақида ҳам гапириб берсангиз?**

— Ишчи-хизматчиларга нақд пул билан қўшимча моддий ёрдам кўрсатиш ҳам жорий қилинган. Айниқса, корхонада кўп йил ишлаган, ўз вазифасига сидқидилдан ёндашаётган кишилар қўшимча моддий рағбатлантириб турилади. Муттасил ишлаб келган ишчилар таътилга чиққанларида бир ҳафта қўшиб берилади, бунинг учун ҳақ ҳам тўланади. Йигитлар уйланишса, қизлар турмушга чиқсалар уларга одат бўйича уч кун эмас, иш ҳақи тўлангани ҳолда ками билан бир ҳафта таътил берилади.

Комбинатимиз ишчи-хизматчилари истиқомат қиладиган мўъжазгина қўрғонимиз бор. У ердаги уйларнинг ҳаммаси ўз маблағимиз эвазига барпо этилган. Уларда 250 хонадон бўлиб, юзлаб ишчиларимиз оилалари билан яшамоқдалар. Шу ердаги болалар боқчамизда ишчиларнинг 250 нафардан ортиқ жажжи ўғил-қизлари тарбияланмоқда. Бизда боқча муаммоси йўқ, жамоамиз аъзолари истаган вақтларида ундан жой олаоладилар. Унинг таъминотини ўз зиммамизга олганмиз. Рационда белгиланганидан ташқари витаминга бой маҳсулотлар бериб турамиз. Боқча ҳақи эскилигича қолди — ишчи-хизматчиларимиз тарбияланаётган ҳар бир фарзанди учун ҳали ҳам 12 сўмдан тўлашади. Қолган қисмини комбинатимиз ўз ҳисобидан тўлайди.

Тиббиёт пункти ишчи-хизматчилар саломатлигини мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда. Бу ерда қатор муолажалар йўлга қўйилган. Лекин, у талабни қондирмаяпти. Шунинг учун айрим тиббиёт муассасалари билан ҳамкорлик қилиш ҳақида шартномалар тузганмиз. Жумладан, вилоят касалхонаси ҳисобига ҳар йили ҳар бир бемор ҳисобига олти минг сўмдан пул ўтказяпмиз. «Ҳаёт» хўжалик ҳисобидаги соғломлаштириш корхонаси, кўкрак жарроҳлиги касалхонаси билан ҳам бетоб ишчи-хизматчиларимизни даволаш бўйича ҳамкорлик қилинмоқда.

Ҳозирги шароитда ёрдамчи хўжалигимиз ҳам жуда асқотмоқда. Ҳар ҳолда камроқ бўлса ҳам жамоани чорвачилик маҳсулотларининг энг муҳими — қўшт билан таъминлашда ёрдам бермоқда. Бунинг учун Майскдаги «Октябрь» жамоа хўжалигидан ижарага 6 гектар ер олдик. Бу ерда ферма барпо этилди. Бошида йигирматача қора мол бўрдоқига боқишга қўйилди. Эндиликда уларнинг сони 170 тага етди.

Моллар вазни уч юз—тўрт юз килограммга етгунча парваришланиб, кейин сўйилмоқда ва ишчи-хизматчиларга тақсимланмоқда. Биринчи йилиёқ ҳаммага 5,5 килограммдан сифатли гўшт етказиб берилди. Ўтган йили бу миқдор 12 килограммга етди. Бу йил январь — февральда ойига 4 килограммдан тарқатилди, кейинги ойларда ўртача 6 килограммга етди. Сотилаётган гўштнинг нархи ҳам давлатникидан анча кам бўлаяпти. Йил бошигача ҳар килограмми икки сўмдан сотилган эди, кейинги ойдан йигирма сўмдан тарқатилмоқда. Бу таннархга нисбатан ҳам икки баравар арзондир.

Қатор магазинлар, ошхоналар жамоа хизматида. Ҳар бир цехда қизил бурчаклар, кийим алмаштириладиган, овқатланиш хоналари бор.

— **Хайр-эҳсон, мурувват кўрсатиш ҳаракати тобора кенгайиб, оммавий тус олмоқда. Юксак фойда олувчи корхона эгаси бўлган жамоа бу хайрли ишда қатнашаяптими?**

— Ноҳия бўйича ўтказилаётган мурувват тадбирларида фаол қатнашаяпмиз. Баҳоли қудрат ҳисса қўшяпмиз. Уруш ва меҳнат фахрийлари шарафига уюштирилаётган маросимларда, кам таъминланган, кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатишда иштирок этмоқдамиз. Наврўз байрамини ўтказиш бўйича ноҳия жамғармасига 30 минг сўм ўтказдик. Умуман олганда ҳар йили ҳайрия тадбирларига ажратаётган маблағимиз 100 минг сўмликдам кам бўлмаяпти.

— **Комбинатда ишчи-хизматчилар билан контракт тузиш жорий қилинган. Унинг моҳиятини қисқача тушунтириб беролмайсизми? Маъмурият билан меҳнаткашлар ўртасида шу вақтгача амалда бўлган муносабат давр учун эскириб, талабга жавоб бермай қолдими ёки бошқа сабаблар туфайли шундай қилиндими?**

— Хўжаликни юритишнинг ижара пудрати ва бошқа шу каби шаклларини жорий қилиб ишлаш, ҳар бир жамоанинг фаровонлиги меҳнатининг миқдор ва сифат натижаларига ниҳоятда боғлиқ бўлиб қолганлиги шуни тақозо қилмоқда.

Икки ўртада тузилган контрактда ҳар бир ишчи-хизматчининг ҳуқуқ ва вазифалари, маъмуриятнинг эса улар олдидаги мажбуриятлари моддама-модда аниқ белгилаб қўйилади. Уларнинг бирортасига амал қилинмаса унинг айбдори албатта жазоланади. Контрактлар ҳам бузилиши мумкин.

Ҳозир жамоамиз аъзолари сафига қўшилиш истагини билдираётганлар ҳам йўқ эмас. Биз ҳаммани ҳам ишга олавермаймиз. Лойиқ, деб топилганлари билан контракт тузамиз. Дастлаб уч ойга мўлжалланади. Бу вақт синов даври ҳисобланади. Янги ишчининг қобилияти, нимага қодирлиги обдон ўрганилади. Синовдан ўтганлар билан контракт муддати бир йилга чўзилади. Бошқалари билан хайрлашишга тўғри келади. Уларнинг гинаси ўзида қолади.

Жамоамиз ўзагини кўп йиллардан бери шу ерда меҳнат қилаётгани кишилар ташкил этади. Уларнинг ишига тиҳирлик қилишнинг ҳеч ҳам ўрни йўқ. Буни яхши билсак, уларга тўла ишонсак ҳам контракт тузаяпмиз. Шундай қилинса ортиқча гап-сўзларга ўрин қолмайди.

Контрактга мувофиқ иш билан таъминлаш маъмурият вазифаси бўлса, унумли меҳнат қилиш ва сифатли маҳсулот тайёрлаш ишчи-хизматчининг асосий вазифаси ҳисобланади. Ҳар бир контрактнинг ўн беш — йигирматагача моддаси бор. Уларнинг ҳаммасига сўзсиз риоя қилиниши шарт. Масалан, ишчилар иш вақтини бекор ўтказсалар ҳам ўртача иш ҳақларини олаверадилар. Истасалар уларни олий ва ўрта махсус ўқув юртларига, малака ошириш курсларига юборсак бунинг учун кетадиган харажатларни маъмурият тўлайди. Корхонага қайтиб келмаганлар бу харажатларни ўз ҳамёнидан тўлашга мажбур қилинади.

Бу тадбирлар жамоанинг барқарорлигини таъминлашга ёрдам беради, албатта. Корхонамиз истиқболи ҳам шуни тақозо этмоқда.

— **Бу гапингиздан келажакда комбинат ишлаб чиқариш қувватини ошириш режалари ҳам борга ўхшайди. Комбинат ишлаб чиқараётган салқин ичимликларга бўлган талабнинг кучайиши, бундай маҳсулотлар дастурхон безаги бўлиб қолаётганлиги ҳам буни тақозо қилмоқда. Шундай экан, истиқбол режаларингиз билан муштарийларни таништирсангиз.**

— Жоним билан. Аввало шуни айтишим керак. Биз бу йил эл дастурхонига ками билан 360 миллион сўмлик турли салқин ичимликлар тортиқ қилиши режалаштирганмиз. Албатта, бу янги, оширилган нархларда. Ҳозиргача ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулотимиз ҳажми саксон миллион сўмликдан ошиб кетди. Ҳаво исиб кетиши билан эҳтиёж янада ортади. Биз унинг уддасидан бемалол чиқаоламиз. Ҳар ойда 45 миллион сўмгача ҳажмдаги маҳсулотларни савдо шохобчаларига етказиб беришимиз мумкин.

Бу йил янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишни назарда тутилган. Бунинг учун зарур бўлган асбоб-ускуналар, поток линиялар хорижий мамлакатлардан келтирилади. Олмония, Австриядаги айрим фирмалар билан бу ҳақдаги шартномаларни аввалги йилнинг октябрида тузган эдик. Бунинг учун давлатимиз 13,6 миллион доллар маблағ ажратди. Шунга мувофиқ дастлабки машина-механизмлар ҳам келтирилди. Жумладан, Олмониядаги «Круппкорнопласт» фирмаси тўққизта агрегатни етказиб берди. Австриянинг «Кронэс» фирмаси бешта асбоб-ускунани «Ўзчеттранс» машиналарига ортиб жўнатганлигини куни кеча маълум қилди. Улар собиқ СССР чегарасидан ҳам ўтибди. Кўп юк кўтарадиган яна еттита автомашина шу фирмалар томон бораяпти. Яна ўн бешта машинани жўнатишга ҳозирлик кўриб қўйилди. Бунинг учун виза, яъни рухсатнома берилиши кутиб турилибди. Юкни автотранспортда ташиш ҳатто темир йўлда ташишдан ҳам арзонга тушмоқда.

Ҳозирги вақтда янги қувватлар учун бинолар тайёрланмоқда. Фавқулодда ҳодисалар, тўсқинликлар бўлмаса асбоб-ускуналарни ўрнатиш ишларини июль ойидаёқ бошлаб юборишни мўлжаллаб қўйганмиз. Сентябрь ўрталаридан уларни созлашга киришамиз. Бу мураккаб ишда чет элдаги шерикларимизнинг бир гуруҳ мутахассислари бизга ёрдам берадилар. Ишга туширилгандан кейин ҳам муайян муддат давомида фойдаланиш жараёнларини бошқаришда қатнашадилар, бизнинг ишчиларимизни ишлашга ўргатадилар. Янги ишлаб чиқаришларни йил охиригача тўла қувват билан ишлашига эришишга қатъий қарор қилганмиз. Жамоамиз, албатта, бу ваъдасининг ҳам устидан чиқади, у шунга одатланган.

Янги қувватларни фойдаланишга топшириш билан ҳар йили яна 3 миллион 150 минг декалитр салқин ичимликлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. У полиэтилен шишаларига қўйилади. Шундай қилиб жумҳуриятимиз халқини бундай маҳсулотлар билан таъминлашни яхшилаш соҳасида олдинга томон катта одим ташланади.

— **Корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар турлари нечтагача бормоқда? Қандай янгиларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди? Уларнинг хусусиятлари ҳақида нима дейсиз? Айримлари, чунонси «Пепси-кола» каби ичимликлар ҳатто зарарли, деган овозалар ҳам тарқалганлигидан хабардор бўлсангиз керак?**

— Ишлаб чиқарилаётган салқин ичимликлар турларини ўттизтагача етказиш мумкин. Ҳар ойда эса доим ўн беш хил атрофида маҳсулот тайёрланмоқда. Салқин ичимликлар ўн иккитагача боради, уч-тўрт хил пиво савдо шахобчаларига етказиб берилаяпти. Бунга минерал сувни ҳам қўшиш мумкин.

Жамоамиз меҳнат маҳсули бўлган ичимликларнинг шифобахш хусусиятлари борлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Чунки ҳаммаси мева-сабзавот шарбатлари асосида тайёрланади. Уларга сув, карбонат ангидрид гази ва шакар қўшилади. Айниқса, чет эл фирмалари технологияси асосида тайёрланганлари эса иссиқ кунларда совутиб ичилса чанқоқни яхши босади.

«Пепси-кола»нинг зарари ҳам бор, деган гаплар асоссиздир. Уни ичишни билиш керак, холос. Аввало, совутиб ичиш лозим. Кўп ичиш, албатта мумкин эмас. Ҳамма нарсанинг меъёри бор, ҳар қандай яхши озиқ-овқат маҳсулотининг ҳам ортиқча тановвул қилиниши фойдадан кўпроқ зарар келтиради.

«Тошкент», «Райҳон», «Оқшом» каби ичимликлар Ўзбекистоннинг шифобахш ўсимликларидан тайёрланади. Улар ҳафа қонлик, ошқозон-ичак касалликларига даво ҳисобланади. «Ўзбекистон» ичимлиги эса ялпиз шарбатидан тайёрланади. Бу ўсимликнинг шифобахшлиги эса ҳаммага маълум. Лекин, яна бир бор таъкидламоқчиман, уларни ичишда меъёр бўлиши лозим.

Бу йил маҳсулотимиз тури яна иккитага кўпайди. Ниҳоят фирма ичимлиги ҳам пайдо бўлди. Уни бош технологимиз Ҳикмат Неъматов яратди. Уни ишлаб чиқариш Наврўз арафасида йўлга қўйилганлиги учун «Наврўз» деб ном берилди. Малина шарбати асосида тайёрланувчи бу ичимлик жумҳурият озиқ-овқат саноати концернида дегустациядан муваффақиятли ўтди, нўшчиларнинг юқори баҳосига сазовор бўлди. Ичимлик тиниқ бўлиши учун гулхайри ранги ишлатилмоқда. Шифобахшлигини кучайтириш мақсадида аскорбин кислотасидан ҳам қўшилади. У турли хил тумов касалликлари, шамоллашларни даволашга ёрдам бериши билан диққатга сазовордир. Яна бир яҳна ичимлик «Қулупнай» ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилиб, дастлабкилари меҳнаткашлар дастурхонига тақдим этилди. Мутахассисларимиз жумҳурият ноз-неъматлари шарбати асосида янги ичимликлар, фирма, яъни комбинатнинг ўз пивосини яратиш устидаги тадқиқот ишларин давом эттирмоқдалар.

— **Суҳбатимиздан комбинатда ҳамма иш силлиққина кетаётгандек туюлиши, бундай тушунча муштарийларда пайдо бўлиши мумкин. Аслида аҳвол қандай? Ҳозирги бош-бошдоқлик, порокандалик, илгари узоқ йиллар давомида таркиб топган ҳамкорлик ришталари чок-чокидан узилиб кетган вазнятда жамоа қандай муаммоларга дуч келмоқда, уларни бартараф этиш учун қандай чоралар кўрилаяпти?**

— Ишлаб чиқариш бор жойда, албатта, битта-яримта эмас, кўпдан-кўп муаммолар бўлади. Лекин даврга қараб уларнинг миқёслари, қийинлиги, мушкуллиги ҳар хил бўлиши мумкин. Бундан саккиз — ўн йиллар илгариҳам, яъни собиқ иттифоқдош республикалар ўртасида ҳам муаммоларга дуч келиннарди. Лекин ҳозирги вақтдагидек эмасди.

Айниқса, мавжуд асбоб-ускуналарга эҳтиёт қисмлар етишмаяпти.

Шиша идишларининг етишмаслиги катта ташвиш туғдираяпти. Унга бўлган эҳтиёж ниҳоятда суст қондирилмоқда. Шу туфайли фақат бўш шиша олиб келганларгагина маҳсулот бераяпмиз. Ноиложликдан шундай қилишга мажбур бўлаяпмиз. Шу сабабли кишиларнинг тўқсон беш фоизигача қайтиб келаяпти.

Икки смена ишланадиган бўлса 28 миллионта ярим литрли бутилка керак бўлади. Бизнинг бундай идиш етказиб берувчи шеригимиз — Қувасой шиша заводи бор-йўғи 6,6 миллионта бериш мажбуриятини олган. 0,333 литрли идишдан эса 36 миллионта бўлса талабимиз қондирилади. У Украинадан келтирилади. Бу давлат фақат 1 миллионта етказиб бермоқчи. Ана энди талаб билан етказиб бериш ўртасида қанчалик кўп фарқ борлигини кўз олдингизга келтириб кўринг.

Полиэтилен яшчиклар ҳақида ҳам шундай ташвишли аҳвол таркиб топган. Бунинг устига нархи тобора ошмоқда. Агар бир неча йил илгари 10 сўм турган бўлса, ўтган йили 50 сўмга етди. Биз бундан анча иқтисодий зарар кўраяпмиз. Шу сабабли маҳсулот олаётган мижоз олдиндан яшик қийматини тўлайдиган тартиб ўрнатдик. Қайтариб берсагина пулини олади.

Яқиндан бошлаб унинг нархи яна ошиб 140 сўм бўлди. Биз жумҳурият савдо вазирлиги, Ўзбекбирлашув олдига бу ҳақда таклиф билан чиқамиз. Улар таклифимизни тасдиқламагунларича яшик нархи эскича қолаверади. Бу иш ҳатто 15—20 кунга чўзилади. Улар тасдиқлагандан кейингина ўзларига қарашли савдо идоралари ҳар бир яшик учун янги нарх бўйича тўлайдилар. Натижада жамоамиз анчагина маблағ йўқотади. Бундан ташқари, шакар нархи ҳам ошмоқда. Шу йилнинг 5 майидан ҳар бир килограмми ўн беш сўм бўлди. Солиқлар турлари ҳам кўпайиб бораяпти. Оқибатда маҳсулотимиз таннархи ошмоқда. Ўз-ўзидан ичимликларнинг чакана нархлари ҳам кўтарилаяпти.

Албатта, ҳозирги қийинчиликлар, нархнавонинг баландлиги абадий давом этмайди, деб қатъий ишонамиз. Жумҳуриятимиз раҳбарлиги иқтисодий таназзулни тезроқ бартараф этиш йўлларини изчиллик билан изламоқда. Бунинг натижалари яқин вақтлар ичида намоён бўлишига умидвормиз. Бизнинг жамоамиз ҳам ўз зиммасидаги асосий вазифа — жумҳуриятимиз аҳолисини хилма-хил ва сифатли, шифобахш ва мазали салқин ичимликлар билан таъминлашни яхшилаш мақсадида ҳормай-толмай меҳнат қилади.

— **Сермазмун суҳбатингиз учун раҳмат!..**

Суҳбатдош: М. МИРҲАМИДОВ.



● СУРАТЛАРДА: корхона ишлаб чиқариш бўлинмаларининг бирида ва марказий лабораторияда тайёр маҳсулотнинг таъмини кўриш;

● СУРАТЛАРДА: ишлаб чиқарилаётган салқин ичимликлар ҳамда турли кўргазмаларда олинган мукофотлар намуналари.

Сураткаш Д. АҲМАД.

Ҳалқаро болаларни ҳимоя қилиш ҳафталиги

УМИД БИЛАН ЯШАЙМИЗ

«Аллоҳ қошида кўп бола туққан хотун бола туғмаган гўзал хотундан ортиқ севиклидир»,— дейилади муқаддас «Минг бир ҳадис»дан бирида. Дарҳақиқат, фарзандли аёл — энг бахтли, саодатли аёлдир. Халқимиз орасида эса бугунги иқтисодий оғир кечаётган кунимизда ҳам нолиш нималигини билмай қатор-қатор фарзандларини ҳалол меҳнати билан тарбиялаб, вояга етказаётган, ўғил-қизларининг камолини кўришни бахти деб билган табаррук онахонларимиз кўп. Куни кеча Тошкент районининг Абдураҳмонов номли колхоз клубида вилоятимизда давом этган Халқаро болаларни ҳимоя қилиш ҳафталиги доирасида бўлиб ўтган «Фарзандим-дилбандим» тадбири ҳам ана шундай қалби дарё, меҳри қуёш кўп болали оналарни шарафлашга бағишланди.

Кечани шу колхознинг «Ўзбекистон» маҳалласида истиқомат қилувчи табаррук онахон Рафиқа ая Юсупова Қуръон тиловати билан очиб бердилар. Шундан сўнг 28-болалар боғчаси кичкинтойларининг чиқишлари, уларнинг қадимий халқ ўйинлари, лапар ва термаларини маҳорат билан ижро этишлари кўпчиликнинг дилини хушнуд этди.

— Сиз каби онахонларни ҳар қанча шарафласак оз,— деди тадбирда иштирок этган Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси муовини Дилбар Ғуломова.— Чунки ҳар бирингиз бир неча фарзандни тарбиялаш билан бирга жамоа ишларида ҳам фаолсиз.

Шундан сўнг Дилбар Ғуломова республикамизда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, турмуш қийин кечаётган бугунги кунда кўп болали ва кам таъминланган оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида республика хотин-қизлар қўмитаси олиб бораётган ишлар хусусида алоҳида тўхталди.

— Бу борада бизнинг районимизда олиб борилаётган ибратли ишлар талайгина,— деди сўзга чиққан район хотин-қизлар кенгаши раиси Азима Ҳакимова.— Хусусан, ҳокимимиз Рустам Акбаров оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизларга имкон қадар имтиёзлар яратиб бериш борасида бир қатор хайрли тадбирларни амалга оширмоқдалар. Дарҳақиқат, вилоят шаҳар ва районлари орасида биринчи бўлиб районимизда хотин-қизлар кенгаши раиси лавозими жорий қилиниб, унга маош белгиланиши фикримиз далилидир.

Шундан сўнг А. Ҳакимова, 25 нафар кўп болали, кам таъминланган оила бекаларига район ҳокимлиги томонидан ажратилган моддий ёрдам пулини топширди.

— Гап ёрдамнинг каттакичиклигида эмас, кўнгилда,— деди «Ўзбекистон» маҳалласида истиқомат қилувчи она Салима Мирсаидова,— ўзим 5-бригадада меҳнат қиламан. Турмуш ўртоғим Хожимурод Мирсаидов ҳам ишчи. 3 қиз, бир ўғлимиз бор. Она-доимо она! У келажакка, ўғил-қизларини бахтли бўлишига ишониб яшаши керак. Биз ҳам мустақил Ўзбекистонимизнинг равнақига, келажагига бугунги оғир кунлар ўтиб кетишига умид билан яшаймиз.

Албатта, бундай тадбирларни куй-қўшиқларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Таниқли хонанда Матлуба Дадабоева ижро этган дилбар қўшиқлар, Матлуба Ҳолиқова бош бўлган 10-мактаб муаллимлар жамоаси ва ўқувчилардан иборат бадиий ҳаваскорлар тайёрлаган концерт дастури кечага файз киритди.

Зулхумор ЖУРАЕВА.

Ушбу суратларда «Фарзандим — дилбандим» мавзунда ўтказилган байрам лаҳзалари акс этган.

Д. АҲМАД суратга олган.

Вилоят ҳокимиятининг қарори билан эълон қилинган халқаро болаларни ҳимоя қилиш ҳафталиги эртага ниҳоясига етади. Бу тадбир пойтахт вилояти, шаҳар ва районларида болаларга эътибор ҳамда ғамхўрликни кучайтириш, улар учун катта қулайлик яратишда ўзгача мазмун касб этди. Маданият муассасалари, савдо шахобчалари болалар учун алоҳида хизмат дастури билан ишладилар. Шаҳар ва районлардаги истироҳат боғларида фарзандларимизни хушнуд этиш мақсадида сайиллар уюштирилди. Ёзувчилар, журналистлар, санъаткорлар ва рассомлар болалар билан мулоқотларда бўлдилар.

Вилоятимиз тарихида биринчи марта Бўка ройони ҳудудидаги 15-болалар уйида, Ангрен шаҳридаги 34-болалар мактаб-интернатида суннат тўйлари ўтказилди. Ҳафталик болалик дунёсига кишилар, кичик корхоналар, ташкилотлар, муассасалар саховатпешалик билан ёндошувларини намоён этди. Жамғарма кассалари орқали етим, ногирон болалар ҳисобига пул ўтказиб қўйишдек ҳайрли ишлар амалга оширилди.

Соғлиқни сақлаш, халқ таълими ходимлари шифохоналарда, боғчаларда, ёзги дам олиш оромгоҳларида саранжом-саришталикни таъминлаш, ҳаётимиз гулғунчаларининг саломатликларини мустаҳкамлаш бўйича анча самарали фаолият кўрсатдилар.

Бир ҳафта давомида қилинган ишлар эртага Бекобод районида ўтадиган анжуманда таҳлил этилади. Биз муштарийларимизга етти кун ичида болаларга кўрсатилган ғамхўрлик натижалари ҳақида рўзномамизнинг навбатдаги сонларидан бирида батафсил баён қиламиз.

МУСТАҚИЛЛИК ВА ИЛМ-ФАН ИСТИҚБОЛИ

БУГУН Тилшунослик институтида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ижтимоий-гуманитар фанлар бўлими ташаббуси билан «Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги ва ижтимоий-гуманитар фанларнинг вазифалари» мавзуида илмий сессия очилади.

Сессиянинг кун тартибига кўра Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги М. Хайруллаевнинг «Жамиятни янгилаш даврида фалсафа фанининг муҳим масалалари», Ўзбекистон ФА Иқтисодиёт институти директори, академиянинг мухбир аъзоси О. Ҳикматовнинг «Бозор муносабатларига ўтиш ва иқтисод фанининг келажаги», академик Ш. З. Ўроэвеннинг «Мустақиллик ва ҳуқуқий тизимнинг шакилланиши», Тарих институти директори, академик А. Асқаровнинг «Мустақиллик шароитида тарих фанининг вазифалари», Адабиёт институти директори, филология фанлари доктори Т. Мирзаевнинг «Ўзбек адабиётшунослиги олдидаги асосий муаммолар», Тилшунослик институти директори, академиянинг мухбир аъзоси А. Ҳожиевнинг «Тилшунослигимизнинг долзарб масалалари», Шарқшунослик институти директори, тарих фанлари доктори А. Ўринбоевнинг «Ўзбекистон мустақиллиги ва шарқшуносликнинг долзарб муаммолари», Қўлёзмалар институти директори, академиянинг мухбир аъзоси А. Қаюмовнинг «Қўлёзма мерос ва уни ўрганиш масалалари», Фалсафа кафедраси мудири, академиянинг мухбир аъзоси Ҳ. Пўлатовнинг «Ёш илмий мутахассисларнинг дунёқарашини шакллантириш муаммолари» мавзуларида маъруза қилиши режалаштирилган.

Шундан сўнг олимлар фалсафа, иқтисодиёт, ҳуқуқшунослик, тарих ва археология, адабиёт, тилшунослик, манбашунослик ва хорижий шарқ тарихи, ёш илмий мутахассисларнинг дунёқарашини шакллантириш муаммолари шўъбаларига бўлинган ҳолда машғулотларда иштирок этадилар.

Ўйлаймизки, Ўзбекистоннинг мустақиллиги ва ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб вазифаларига бағишланган мазкур анжуман жамиятимизнинг янгиланиш давридаги илм-фанимизнинг истиқболини белгилаб беради, илмий тафаккур эгаларини янгидан-янги меҳнат ютуқларига даъват этади.

• *Футбол*

КУЧЛИЛАР ЎЗ ЎРНИНИ ТОПМОҚДА

РЕСПУБЛИКА футбол жамоалари ҳақида баҳс-мунозара кетганда, албатта, мухлислар биринчи ўринга «Пахтакор» клубини қўйишарди. Сўнг эса узоқ йиллар собиқ мамлакат биринчилигининг биринчи лигасида қатнашиб келган Фарғонанинг «Нефтчи», кейинчалик Наманганнинг «Навбаҳор» жамоаларини тилга олишади. Бунинг боиси бор, албатта. Негаки жумҳуриятимизда бу клублар бошқа жамоаларга қараганда кучли ҳисобланади. Аммо бу йилги Ўзбекистон олий лига биринчилиги бошланганда Қўқоннинг «Темирйўлчи» командаси пешқадамликни қўлга олиши бироз кутилмаган ҳол бўлди. Кейинроқ унинг ўрнини Бухоронинг «Нурафшон» коллективи эгаллади. Мана, энди 14-тур ўйинларидан сўнг кучлилар ўз ўрнини топгандек бўлди. Ўтган шанба куни тошкентлик футболчилар ўз майдонларида «Нурафшон» жамоасини қабул қилиб, 1:0 ҳисобида (ягона тўпни 76-минутда Нўъмон Ҳасанов киритди) ғолиб келиб, очколарни 18 тага етказдилар. Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси эса Самарқанднинг «Мароқанд» командасини қабул қилиб, натижасиз дуранг ўйнади ва бир очко йўқотди.

Шу турнинг бошқа учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Орол» — «Наврўз» — 0:1, «Шаҳрихон» — «Янгиер» — 2:2, «Темирйўлчи» — «Кимёгар» — 2:0, «Косонсой» — «Сўғдиёна» — 3:0, «Пахтакор—79» — «Сурхон» — 4:1.

Энди командалар биринчиликда дам олишиб, эртага биллур соврин учун нимчорак финал ўйинларини ўтказишади. 15-тур эса 7 июнь якшанба куни бўлади. Тошкентликлар Самарқандда «Мароқанд» меҳмони бўлишади.

Бугунгача жадвалнинг дастлабки олти поғонасини қуйидаги жамоалар эгаллаб туришипти:

Командалар	Ю	Д	М	Т	О
Нефтчи	8	2	2	23—6	18
Пахтакор	8	2	2	23—8	18
Темирйўлчи	7	3	2	17—7	17
Нурафшон	6	5	2	16—8	17
Сўғдиёна	8	0	4	16—10	16
Косонсой	7	3	5	18—10	15

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

ЭЪЛОНЛАР, БИЛДИРУВЛАР

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

Қибрай ноҳия халқ таълими бўлими қобилиятли болаларни Улуғбек номли 45-кўп йўналишли махсус мактаб-олийгоҳининг 10-синфига фақат «яхши» ва «аъло» баҳолар билан олийгоҳнинг тайёрлов бўлимига

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш соҳалар бўйича ўзбек тилида олиб борилади. Бу ўқув даргоҳига кирувчилар Тошкент тиббиёт олийгоҳи, Техника дорилфунуни, Тошкент Темир йўл транспорти муҳандислари, Шарқшунослик, Архитектура ва қурилиш олийгоҳларининг комиссиялари иштирокида олинган ёзма иш асосида

ОЛИЙГОҲ ҚАБУЛ ҲАЙЪАТИ ИШТИРОКИДА

синов-кириш имтиҳонларини топширадилар.

Тошкент тиббиёт олийгоҳига кирувчилар кимё, биология, она тилидан (ёзма), Темирйўл транспорти муҳандислари олийгоҳи, Техника дорилфунуни, Архитектура ва қурилиш олийгоҳларига кирувчилар физика, математика, она тилидан (ёзма), Шарқшунослик олийгоҳига кирувчилар инглиз тили, биронта шарқ тилидан (ёзма), архитектура бўлимига кирувчилар расм, чизмачилик, она тилидан (ёзма) имтиҳон топширадилар.

Ҳужжатлар 1992 йил 1 июндан 1992 йил 27 июнгача қабул қилинади.

Олийгоҳга кирувчилар учун қуйидаги ҳужжатлар зарур: олийгоҳ ректори ва «мактаб-олийгоҳ» директорига ариза, 9-синфни битирганлик ҳақида гувоҳнома, туғилганлик тўғрисида гувоҳномадан кўчирма, тиббий маълумотнома, 5х6 см. ҳажмидаги расм.

Кириш имтиҳонлари 1 июлдан 16 июлгача ўтказилади.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент вилояти, Қибрай ноҳияси, «Турон» (Коммунист) жамоа хўжалиги, 45-«мактаб-олийгоҳ» биноси. ТЕЛЕФОН: 67-886.

Автобуслар: 491, 167, «Қибрай-Гулистон» «Турон» (Коммунист) жамоа хўжалиги идораси» бекати).

«Қибрай-Селекция» автобусининг «Турон» (Коммунист) бекати.

Маълумотлар олиш учун Қибрай ноҳия халқ таълими бўлими (телефон 61-244)га мурожаат қилинсин.

ШОШИЛИНЧ ЭЪЛОНЛАР ХИЗМАТИ

СОТИЛАДИ

● Ёғочга ишлов берувчи дастгоҳ сотилади. Телефон: 46-61-13.

● 5 хоналик планли уй сотилади. 3 та кичик хонали бўғхона ва ҳовузли ҳаммоми ҳам бор, ҳовлидаги ошхона газ ва сув билан таъминланган. Қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: Тошкент шаҳри, Ҳамза ноҳияси, Шумилов шаҳарчаси, Боку кўчаси, 133-уй.

● Планли уй сотилади. Телефон: 92-03-67.

● Янги «Москвич—2141», 1978 йилги «Жигули—2103» автомашиналари, Болгарияда ишлаб чиқарилган ётоқхона мебели сотилади. 90-39-80 рақамли телефон орқали хоҳлаган вақтингизда мурожаат қилинг.

ТАКЛИФ ҚИЛАМАН

● Деворларга миллий тилдаги ёзувларни ёзиб бераман, таъмирлайман, панелларга ишлов бераман, шахсий маҳсулотларимни таклиф қиламан. Мурожаат учун манзил: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Ш. Х. Хадаровга—ўзим сўраб оламан.

● Тошкент шаҳар, Яккасарой ноҳиясидаги 160-ўрта мактаб томонидан Е. Кулькина номига берилган В-858851 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат;

● «Ҳаёт» тиббий-илмий ишлаб чиқариш мажмуа марказига берилган муҳр;

● Тошкент шаҳар, Ҳамза ноҳиясидаги 4-ўрта ҳунартехника билим юрти томонидан Спартак Апостолосович Бабанис номига берилган А № 718487 рақамли диплом;

● Тошкент шаҳар, Миробод ноҳиясидаги 1-рус тили чуқур ўргатиладиган ва ҳарбий жисмоний тайёргарлик жумҳурият мактаб-интернати томонидан Руслан Ренатович Саргубаев номига берилган № 143373 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат;

● Тошкент шаҳар, А. Икромов ноҳиясидаги 62-ўрта мактаб томонидан Виктор Николаевич Назаров номига берилган № А—510504 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат;

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

ЗАНГИОТА РАЙОНИ МАРКАЗИДАГИ «ОРЗУ» КИНОТЕАТРИДА

5, 6, 7, 8, 9 ИЮНЬ КУНЛАРИ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» РЎЗНОМАСИ ВА ЖУРНАЛИСТЛАР УЮШМАСИНИНГ ТОШКЕНТ ТАШКИЛОТИ ҲАМКОРЛИКДА ЎТКАЗАЕТГАН ЎРТА ОСИЕ СЕҲРГАР ШИФОКОРЛАР УЮШМАСИ ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТИ ШАРҚ ТАБОБАТИ БИЛИМДОНИ ҲУСАИН ТАБИБНИНГ СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЪРУЗА-СЕАНСЛАРИГА

ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

Сеанслар юрак-томир хасталиклари, аёллар касалликлари, зиққи нафаслик, ҳар хил оғриқлар, жигар, буйрак хасталикларига дучор бўлган кишиларга самарали таъсир қилади. Соч тўкилиши, уйқусизлик, сийдик тўхтаб қолиши, асабларнинг ишдан чиқиши, туз йиғилиши, тош келиши, жинсий заифликдан шикоят қилувчилар бунинг катта наф оладилар. Шунингдек, муолажалар қон таркибининг яхшиланишига ёрдам беради. (Чернобиль фожиасини бошидан кечирганларга шу усулда шифо бахш этилган). Чандиқлар битиб кетади, болалардаги дудуқлик даволанади, хотира мустаҳкамланади, муолажаларнинг кўз касалликлари, тери хасталиклари, чурра тушиши ва бошқа дардларда ёрдами катта. Шунингдек, пиёнисталар ичкиликдан қайтариладилар.

Томошабинлар сеҳргар шифокорнинг мўъжизаларига гувоҳ бўладилар: қадимий шомонлар усули билан сув шаробга айланади, одамларни ҳар хил кўйга солиш, ҳайвонлар, дарахтларга айлантириш борасидаги тажрибалар кўрсатилади. Металл буюмлар, сувлар биоқувват оладилар.

Ўлуғ табиб Ибн Синонинг даволаш усуллари, Тибет Шарқ табобати, сибирликларнинг гиёҳлар ёрдамида даволаш услублари хусусида саволларга жавоблар, тавсия ва маслаҳатлар берилади.

Шу ерда шифобахш гиёҳлар, женьшен, мўмиё, асаларичилик маҳсулотларини харид қилишингиз мумкин.

Муолажаларга чақалоқлар билан кириш мумкин эмас.

Уруш фахрийлари, қаҳрамон оналар кириш учун 50 фоизлик имтиёздан фойдаланадилар.

Тўлиқ муолажа беш кун давом этади.

Ҳар битта сеанс учун чипта баҳоси — 20 СЎМ, 5 та сеанс учун 100 СЎМ тўланади.

Чипталар «Орзу» кинотеатрида соат 9.00 дан 18.00 гача сотилмоқда.

Муолажалар ҳар куни соат 18.00 да бошланади.

Маълумотлар олиш учун телефон: 33-62-61.

ХАЙРЛИ ИШГА ҲИССА ҚЎШИНГ, АЗИЗ БИРОДАРЛАР!

Тошкент шаҳар, Юнусобод ноҳиясидаги «Гидростанция» маҳалла қўмитаси ўз ҳудудидаги «Минг ўрик» кўчасида мадраса қуришга киришмоқда. Қурилиш ишлари асосан жамоатчилик ёрдамида, ҳашар усулида ва хайрия сифатида тушадиган маблағлар ҳисобига олиб борилади.

Агар ушбу савоб ишга ҳисса қўшмоқни истасангиз, қуйидаги ҳисобга ҳоли-бақудрат пул ўтказишингиз мумкин: ҳисоб-китоб рақами 000 164901 Юнусобод (Киров) саноат қурилиш банкида МФО 172682304.

(Эълон ҳайрия тариқасида бепул чоп этилмоқда).

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 33-58-85, 32-57-47, 33-79-16, 32-57-48; масъул котиб — 33-48-08, 32-53-53; масъул котиб ўринбосари — 32-57-49. Бўлимлар: шўролар ҳаёти — 33-70-10, 32-57-78; қишлоқ хўжалиги — 32-55-53; саноат, қурилиш ва транспорт — 32-57-49, 33-70-10; ижтимоий масалалар — 32-56-47, 33-40-48; адабиёт ва санъат — 32-57-33; маданият ва миллий қадриятлар — 32-56-45; ёшлар ҳаёти, ахборот ва спорт — 32-55-56, 33-99-15; хатлар ва оммавий ишлар — 33-40-48, 32-56-47; тижорат бўлими — 32-55-56, 33-99-15; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 33-40-48; эълонлар — 32-56-66.

● Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматда босилади. ●

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Нашр кўрсаткичи: Г—185. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 20.10. 31646 нусха босилади.